

У дунёдаги хаёт

Шрила Бхактиведанта Свами Прабхупада

У дунёдаги хаёт

Бхактиведанта Бук Траст
Москва- Бомбей – Калькутта – Лос-Анжелес
Москва - 2001

Мундарижа

Ўзингиз билан танишинг
Ўлаётган пайтда рухий оламга кўтарилиш
Моддий олам қамқонасидан озодликка чиқиш
Коинотдан ташқаридаги олам
Худо билан учрашиш

Ўзингиз билан танишинг

**“Эй Бхарат авлоди, танада мужассам бўлган
руҳ мангу, уни ўлдириб бўлмайди. Шу боис
изтироб чекишнинг умуман кераги йўқ”**
("Бхагавад-гита". 2.30).

Ўзининг “мен” деб юргани аслида ким эканини англаб етиш йўлига кирган кишининг қилиши лозим бўлган биринчи иш – ўзи билан танаси орасидаги фарқни ажрата билишдан иборат. **“Мен - тана эмасман”**. Ажал балосидан қутулиб мангу рухий оламга эришишга интилиб юрган ҳар бир инсон буни яхши тушуниб олиши жуда муҳим: “Мен тана эмасман, мен – рухий табиатга эга бўлган мангу тирик жонман!” Лекин, шунчаки “Мен – тана эмасман” деб айтишнинг ўзи етарли эмас. Буни ҳақиқатан ҳам чуқур англаб етиш керак, бу эса, сиз ўйлаганчалик осон эмас. Биз тана эмас, аслида **соф онг** бўлишимизга қарамай, қандайдир сабабларга кўра, ҳозир моддий тана қафаси ичида қамалиб қолганмиз. Агар биз ҳақиқатан ҳам ажал балоси рахна сололмайдиган озодликка ва ҳақиқий бахтга эришишни истасак, азалий ҳолимизга қайтишимиз, яъни, соф илоҳий онг ҳолатига эришиб, шу ҳолатда мангу қолишимиз лозим.

Биз ўзимизни тана деб биламиз, шунинг учун бахт ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам худди уйқусираб юрган кишининг тасаввурига ўхшайди. Баъзи файласуфлар айтадиларки, уйқусираб ўзини тана деб билиш ҳолатидан чиқиш учун инсон ҳар қандай фаолиятни тарк этиши

лозим. Уларнинг фикрича, биз ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этишимиз лозим, чунки фаолият бизлар учун мусибатлар манбаи ҳисобланади. Улар буддистларнинг *нирвана* ҳолатига ўхшайдиган, ҳар қандай фаолиятни бутунлай тарк этадиган ҳолатни “барқамоллик чўққиси” деб биладилар. *Будда* айтган эдики, тана моддий унсурларнинг ўзаро бирикиши натижасида юзага келади, агар қандайдир йўл билан уларни бир-биридан ажратсак, бизга мусибат келтираётган сабаблар ҳам ўзидан-ўзи йўқолади. Катта иморатимиз борлиги сабабли солиқчилар солиқ сўраб келавериб жонимизга теккан бўлса, иморатни бузиб ташлаш керак, шу билан муаммо ҳал бўлади. Лекин, “Бхагавад-гита”да айтилганки, моддий тана – асосий нарса эмас. Моддий унсурлар бирикмаси ортида мангу руҳ, жон турибди, тана ичида жон(руҳ) ҳақиқатан ҳам мавжуд эканини тирик мавжудотда онг, сезиш қобилияти борлигидан билиб олиш мумкин.

Онгнинг мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Онг-сезими йўқ тана мурда ҳисобланади. Онг танани тарк этганида оғиз гапирмай қолади, кўзлар – кўрмайди, қулоқлар - эшитмайди. Буни ёш бола ҳам билади. Тана тирик бўлиши учун унда албатта онг бўлиши лозим – бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Онг дегани нима ўзи? Худди иссиқлик ёки тутун оловнинг мавжудлигини билдиргани сингари, онгнинг мавжудлиги ҳам тана ичида жон борлигини билдиради. Руҳ(жон)нинг қуввати, яъни тирик мавжудотнинг “мен”и онг кўринишида намоён бўлади. Аслини олганда, танада онг мавжудлигига қараб унинг жони борлигини билиб оламиз. Бу ҳақда фақат “Бхагавад-гита” эмас, балки барча муқаддас китобларда ёзилган.

Шанкарачарйанинг издошлари, имперсоналистлар ҳам, Парвардигорнинг Ўзидан бошланган шогирдлар силсиласида турган Худонинг содиқлари(вайшнавлар) сингари, руҳ(жон) ҳақиқатан ҳам мавжуд эканини тан оладилар, Будданинг издошлари бўлган файласуфлар эса, буни инкор этадилар. Буддистлар айтадиларки, онг моддий унсурларнинг бирлашиш жараёнидаги маълум бир босқичда пайдо бўлади, лекин ҳали ҳеч ким танани ташкил этадиган барча моддий унсурларга эга бўла туриб ҳам, уларни ўзаро бирлаштириш ёрдамида онг ярата олмаётганининг ўзиёқ бундай гаплар ногўғри эканини исботлаб турибди. Ўлган одамнинг танасида ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма унсурлар бор, лекин биз уни қайта тирилтиришга, онгини қайтаришга қодир эмасмиз. Бизнинг танамиз машинадан фарқ қилади. Машинанинг бирор детали ишдан чиқса, унинг ўрнига бошқанини қўйсак, машина яна ишлаб кетаверади, лекин тана ишдан чиқса ва жон(онг) уни тарк этиб кетса, унинг ишдан чиққан аъзосини алмаштириб танага қайтадан жон, онг ато этишнинг иложи йўқ. Руҳ танадан фарқ қилади, токи танада руҳ, жон бор экан тана тирик ҳисобланади. Лекин танада жон бўлмаса, уни тирилтиришнинг иложи йўқ.

Одамлар руҳни ўзларининг кўпол моддий сезиш органлари ёрдамида кўра олмагани ёки сезмаганига асосланиб руҳнинг мавжудлигини инкор этадилар. Лекин, аслини олганда биз кўра олмайдиган, лекин ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган нарсалар жуда кўп. Биз ҳавони кўра олмаемиз, радио тўлқинларни ёки товушни кўролмаемиз. Сезиш қобилиятимиз чеклангани сабабли бизлар микробларни кўролмаемиз, лекин бу билан улар мавжуд бўлмай қолмайди-ку. Авваллари номукамал сезги органларимиз билан бевосита кўра олмаган жуда кўп нарсаларни энди микроскоп ва бошқа асбоблар ёрдамида сезиш, кўриш мумкин бўлди. Ўлчамлари атомники сингари жуда кичик бўлган руҳ(жон)ни на сезги органларимиз ва на бошқа бирор асбоб ёрдамида кўра олмаганимиз сабабли “руҳ мавжуд эмас” деб хулоса

чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Аслини олганда танада рухнинг мавжудлигини унинг ташқи аломатлари орқали аниқлаш мумкин.

Парвардигор "Бхагавад-гита"(2.14)да айтадики, бизларнинг барча азоб-укубатларимизга сабаб - ўзимизни танага қиёслаб юришимиздир: **"Эй Кунтининг ўғли, иссиқ билан совуқнинг, бахт ва мусибатнинг ўзаро алмашиб туриши худди қиш билан ёзнинг келиб кетишига ўхшайди. Буларнинг манбаи – сезгиларнинг фаолиятидир. Эй Бхарат авлоди, руҳий мувозанатни йўқотмасдан бу ўзгаришларга чидам билан сабр қилишни ўрганиш керак"**. Ёзда совуқ сувда ювиниш бизга роҳат бағишлайди, қишда эса, совуқ сувдан иложи борича узоқроқ юришга ҳаракат қиламиз, чунки ундан жуда совкотаemiz. Ҳар икки ҳолатда ҳам сув совуқлигича қолаверади, лекин шароитга қараб унинг танага тегиши бизга ё лаззат бағишлайди, ё мусибат келтиради.

Бахт ва мусибатларнинг ҳаммаси тана билан боғлиқ туйғулардир. Баъзи шароитларда тана ва ақлимиз лаззат ҳис қилади, бошқа бир шароитда эса, – азобланади. Аслини олганда, лаззатли бахтиёр ҳолат – рухнинг азалий табиий ҳолати бўлгани учун биз бу дунёда ҳамиша бахтга интилиб яшаймиз. Рух – Олий Зотнинг, Парвардигорнинг ажралмас бир зарраси. Парвардигор Ўзининг табиатига кўра *сач-чид-ананда-виграха* – илм, лаззат ва мангулик бирикмаси. Парвардигорнинг асосий номи бўлган "Кришна" иборасининг маъноси "энг буюк лаззат" деганни билдиради. *Криши* – "энг буюк", *на* – "лаззат" деганидир. *Кришна* – лаззат манбаи, шу боис Унинг ажралмас зарралари бўлган бизлар ҳам лаззатга интиламиз. Океандан олинган бир томчи сув ҳам бутун океандаги сувнинг барча сифатларига эга бўлади. Худди шундай, бизлар ҳам Тўла Бутун Парвардигорнинг чексиз кичик заррачалари бўлишимизга қарамай, Парвардигор билан бир хил энергетик хусусиятларга эгамиз.

Кичик ўлчамларга эга бўлишига қарамай, атомар рух, яъни жон бутун танани ҳаракатга келтириб, унга хилма-хил фаолият билан шуғулланиш имконини беради. Бутун жаҳон бўйлаб сон-саноксиз шаҳарлар барпо этилган, йўллар, катта-катта кўприklar, осмонўпар бинолар қурилган, буюк тамаддун, маданият яратилган, лекин буларнинг ҳаммасини ким яратган? Буларнинг ҳаммасини тананинг ичида жойлашган кўримсиз кичик руҳий зарра – жон яратган. Агар кўримсиз кичик руҳий заррача бўлган жон шундай ажойиб нарсаларни яратишга қодир бўлса, Олий Рухий Тўла Бутун Зот, қудратли Парвардигор нималарга қодир эканини ҳатто тасаввур қилиб бўлмайди. Тўла Бутуннинг сифатларига – илмга, лаззат ва мангуликка - эга бўлишга интилиш кўримсиз кичик руҳий зарранинг табиий ҳолати, лекин моддий танаси унинг ана шу ниятига эришишига тўсқинлик қилади. Рухнинг шу истагини қандай қилиб амалга ошириш мумкинлиги "Бхагавад-гита"да айtilган.

Ҳозир бизлар мукамал бўлмаган воситалар ёрдамида илм, лаззат ва мангуликка интилиб юрибмиз. Моддий тана бизнинг ана шу мақсадга яқинлашишимизга тўсқинлик қилади, шу боис, биз тирикчилигимиз, **ҳақиқий ҳаётимиз аслида моддий танага боғлиқ эмаслигини** англаб етишимиз лозим. Аслида ўзимиз танадан фарқ қилишимизни шунчаки назарий жиҳатдан билиш етарли эмас. Биз аслида танадан фарқ қилишимизни, унга боғлиқ эмаслигимизни ҳамиша ҳис қилиб юришимиз ва унинг кули эмас, аксинча, унинг хўжайини бўлишимиз лозим. Агар биз машинани бошқаришни яхши билсак, у бизга узоқ вақт хизмат қилади, лекин уни бошқаришни билмасак, машинада юриш хатарли бўлади.

Тана сезиш органларидан таркиб топган, сезгилар эса, ҳамиша ёқимли нарсалар билан лаззатланишга

интиладилар. Кўзларимиз бирор чиройли кишини кўрса, бизга: "О, қара анави жойда чиройли қиз ёки келишган йигит турибди. Юр бориб қараймиз!" – дейди. Қулоқларимиз бизга: "О, қандай ажойиб мусиқа, юр тинглаймиз!" – дейди. Тилимиз эса: "О, мен бир ажойиб ресторани биламан, у ерда роса ширин таомлар бор, юр шу жойга борамиз!" – дейди. Шу тарзда сезгилар ақлимизни чалкаштириб, бизни йўлдан адаштириб ҳар томонга тортқилай бошлайди.

"Худди кучли шамол бўш турган қайиқни ўзи билан олиб кетгани сингари, агар инсоннинг онгини эгаллаб олса, биттагина сезгининг ўзиёқ унинг ақл-идроқини изидан эргаштириб кетиши мумкин" ("Бхагавад-гита".2.67).

Ҳар бир фаросатли инсон ўзининг сезгиларини, ҳис-туйғусини бошқара билиши лозим. Ўзининг сезгиларини жиловлаб олган, уларга бемалол ҳукмронлик қила оладиган кишини *Госвами* деб атайдилар. *Го* ибораси сезгиларни, *свами* эса, – "ҳукмдор" деганни билдиради, шундай қилиб, ўз сезгиларини жиловлаб олган киши *Госвами* ҳисобланади. Парвардигор тушунтирадики, токи инсон ўзини алдамчи танага қиёслаб, танасини "мен ўзим" деб ҳисоблаб юрар экан, у аслида ўзи руҳий жон эканини англаб, ҳақиқий "мен"га эга бўлолмайди. Тана орқали лаззатланиш ўткинчи ҳолат бўлиб, у инсонни маст қилиб қўяди. Аслини олганда биз тана орқали дурустроқ лаззатланишга ҳам қодир эмасмиз – бу лаззатлар жуда тез ўтиб кетади. Ҳақиқий лаззат – тана эмас, рух ҳис қиладиган лаззатдир, шунинг учун инсон ўз ҳаётини шундай ташкил этиши лозимки, ўткинчи ҳиссий лаззатлар унинг диққатини ўзига жалб қилмасин. Агар бирор нарса ақлимизни чалғитаётган бўлса, биз уни танага нисбатан илоҳий бўлган ўзимизнинг ҳақиқий "мен"имизда жамлай олмаемиз.

"Ўткинчи ҳиссий лаззатларга ва моддий бойликка қаттиқ боғланиб қолган ҳамда улар бошини айлантириб қўйган кишининг ақлида ҳеч қачон ўзини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлашга қарор қилиш фикри туғилмайди. Ведаларда моддий табиатнинг уч гунаси ҳақида айtilган. О Аржун, ана шу гуналар таъсиридан халос бўл, уларга нисбатан илоҳий ҳолатда бўл. Бу дунёнинг зиддиятларидан ҳамда бирор нарсага эга бўлишга ва бехатар тирикчилик қилишга интилиш билан боғлиқ бўлган барча хавотирлардан халос бўл, ақлингни ҳақиқий "мен"ингда мустаҳкам жамлаб ол" ("Бхагавад-гита".2.44-45).

Веда ибораси "илмлар китоби" деган маънони билдиради. Ҳар хил давлатларда, жамиятларда, турли халқларда турлича бўлган жуда кўп илм китоблари бор. Ҳиндистонда Ведаларни "илм китоби" деб биладилар. Ғарбий давлатларда Библия(Муқаддас Китоб)ни, мусулмонлар эса, – Қуръонни "илм китоби" деб биладилар. Мана шу илм китобларининг ҳаммаси бизга нима учун берилган? Уларнинг ҳаммаси бизлар ўзимизни, ўзлигимизни таниб олишимиз учун, аслида ўзимиз тана эмас, балки мангу рух эканимизни англаб етишимизга ёрдам бериш учун нозил бўлган. Уларнинг вазифаси – "одоб-ахлоқ қоидалари" деб аталадиган маълум бир қоида ва таъқиқлар ёрдамида бизнинг моддий фаолиятимизни чеклаб, тартибга солишдан иборат. Масалан, Библияда инсон ҳаётини тартибга соладиган ўнта қоида бор. Юксак руҳий баркамолликка эришиш учун инсон ўз танасини бошқара билишни ўрганиши лозим. Инсон ҳаётини тартибга соладиган қонун-қоидаларга амал қилмай туриб биз ҳаётда руҳий баркамолликка эриша олмаемиз. Бундай қонун-қоидалар ҳар хил халқларда ва турли муқаддас китобларда бир-бирдан озгина фарқ қилиши мумкин,

чунки улар замон, макон ва шароитга қараб, одамларнинг ақл даражасини ҳисобга олган ҳолда нозил бўлган. Лекин “инсон ҳаёти албатта маълум қонун-қоидалар асосида тартибга солиниши лозим” деган қоида ўзгармай қолаверади. Буни худди ҳукумат қабул қиладиган ва мамлакатдаги барча фуқаролар амал қилиб яшаши лозим бўлган қонунларга ўхшатиш мумкин. Қонунларсиз давлатни бошқариб ҳам, жамият маданиятини ривожлантириб ҳам бўлмайди. Ведалардаги қонун-қоидалар моддий табиат гуналарини – эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналарини бошқариш учун нозил қилинган. Лекин, бу ерда Парвардигор Аржунга ўзининг азалий ҳолатига – моддий оламнинг барча зиддиятларига нисбатан илоҳий, руҳий жон бўлган асл ҳолатига қайтишни маслаҳат берапти.

Аввал тушунтирганимиздай, моддий оламнинг зиддиятлари: иссиқ ва совуқ, лаззат ва мусибат – сезгиларнинг уларга таъсир қиладиган нарсалар билан ўзаро бирикиши натижасида юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг юзага келишига сабаб – танамизни “мен” деб ҳисоблашимиздир. Қурбонлик маросими ўтказиб юрган, тақводор ҳаёт кечириб, Худонинг амрига бўйсуниб юрган кишиларга ажр-мукофот сифатида Ведаларда ваъда берилган жаннатий лаззатлар бу дунёдаги ўткинчи лаззатларга, ҳукмронлик қилишга боғланиб қолган кишиларни ўзига жалб қилади. Биз азалдан лаззатланиш ҳуқуқига эгамиз, чунки руҳий жоннинг асл табиати шундай, лекин руҳнинг хатоси шундаки, у ана шу лаззатни моддий нарсалардан излайди.

Бу ерда ҳамма моддий нарсалардан лаззат излайди ва ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда илм тўплайди. Кимдир физик, химик бўлади, бировлар сиёсатчи, рассом ёки бошқа касб эгаси бўлади. Ҳар ким ҳамма нарсадан озгина билади ёки бир нарсани тўлиқ билади, одатда мана шуни илм деб атайдилар. Лекин биз танамизни тарк этганимизда тўплаган ана шу илмларимизнинг ҳаммаси бу дунёда қолиб кетади. Инсон аввалги ҳаётида жуда кўп нарса билган бўлиши мумкин, лекин ҳозирги ҳаётида у ҳаммасини қайтадан бошлаши, яна мактабга бориши, қайтадан ўқиш ва ёзишни ўрганиши керак бўлади. Биз аввалги ҳаётимизда ўрганган илмимизнинг ҳаммасини бутунлай эсдан чиқариб юборамиз. Аслида биз ўзгармайдиган, умрлар оша йўқолиб кетмайдиган илмни излаймиз, лекин бундай илмни моддий тана ёрдамида эгаллаб бўлмайди. Биз ҳаммамиз тана ёрдамида лаззат олишга интиламиз, лекин **тана орқали оладиган лаззатни “ҳақиқий лаззат” деб бўлмайди.** Бу бизнинг табиати-мизга зид лаззат. Биз шуни яхши тушуниб олишимиз лозимки, токи бизда ана шундай ғайритабиий йўл билан лаззатланиш истаги сақланиб қолар экан, биз ўзимизнинг азалий, ўзгармас мангу лаззатга тўла асл ҳолатимизга қайтолмаймиз.

Моддий тана ичида юриш - тирик мавжудотнинг касал ҳолати деб ҳисоблаш лозим. Бемор киши ҳақиқий лаззатдан баҳраманд бўлолмайди. Масалан, сариқ касалига чалинган киши учун сўроққанд аччиқ бўлиб туюлади, лекин соғлом киши унинг ширинлигидан лаззатлана олади. Қанднинг ширинлиги ўзгармай қолаверади, лекин ўзининг ҳолатига мос равишда уни ҳар ким турлича қабул қилади. Токи биз ўзимизни танага қиёслаш касалидан халос бўлмас эканмиз, биз руҳий ҳаётнинг ширин лаззатини ҳис қила олмаймиз. Бунинг устига, у бизга худди оғир ташвишдай бўлиб кўринади. Айшу-ишратга муккасидан кетиб юрган кишилар ўзининг ана шу моддийлик касалини тобора ўтлаштириб юборадилар. Ошқозон тифи касалига чалинган кишига қаттиқ овқат ейиш таъқиқланади, лекин кимдир унга ачинганидан “у ҳам лаззатлана қолсин” деган ниятда қаттиқ овқат берса, уни еган бемор ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, аҳволини баттар оғирлаштирган бўлади.

Мусибатлардан биратўла халос бўлишга жиддий интилиб юрган киши танасининг барча эҳтиёжларини ҳамда моддий лаззатларни илоҳи борича қамайитириши лозим.

Аслини олганда моддий лаззатларни умуман “лаззат” деб бўлмайди. Ҳақиқий лаззат ҳеч қачон тугамайди. “Маҳобҳорат”да айтилганки, *його*(руҳий ҳолатга эришишга интилиб юрган киши)лар ҳақиқий лаззат ҳис қилиб яшайдилар ва уларнинг лаззати бир лаҳза ҳам узилиб, тўхтаб қолмайди. Буни шундай тушунтириш мумкинки, уларнинг лаззатининг манбаи - олий лаззатланувчи, чексиз лаззат манбаи бўлган ягона Парвардигор Шри Кришна. Ҳақиқий лаззатланувчи – ягона Парвардигор, Бхагаван Шри Кришна, бу барча муқаддас китобларда, шу жумладан “Бхагавад-гита” ҳам тасдиқланади(Б.г.5.29):

“Охир-оқибатда барча қурбонлик маросимларидан, барча риёзатлар маҳсулидан ҳақиқий лаззатланадиган Зот Мен эканимни, Мен – барча сайёраларнинг ва ҳамма фаришталарнинг Олий Хукмдори ҳамда барча тирик мавжудотларнинг саодатманди эканимни биладиган донишмандлар моддий тирикчилик билан боғлиқ бўлган барча мусибатлардан халос бўладилар”.

Биз асл ҳолатимизга кўра “лаззат берувчи” эканимизни тушуниб етгандан кейингина ҳақиқий лаззат ҳис қила оламиз. Ҳақиқий лаззатланувчи – Парвардигор, бизлар эса -, Унга лаззат келтирадиган зотлармиз.

Бу дунёда ана шундай муносабатларга эр билан хотиннинг ўзаро муносабатлари мисол бўлиши мумкин: эркак киши лаззатланувчи(*пуруша*), хотин эса, - унга лаззат берувчи(*пракрити*) ҳисобланади. *При* ибораси “аёл” деган маънони билдиради. *Пуруша*, яъни руҳ, – субъект, *пракрити*, табиат эса, – объект. Субъект объектдан лаззат олади. Лекин бунда улар иккиси ҳам – эр ҳам, хотин ҳам лаззатланади. Агар улар ҳақиқатан ҳам эр-хотин муносаба-тида бўлсалар, “эр хотинидан кўра кўпроқ лаззатланади” деб бўлмайди. Гарчи бунда эркак устивор ҳолатда, аёл эса, – унга бўйсунган ҳолатда бўлса ҳам, лаззатлана бошлаганларида улар орасидаги фарқ йўқолиб кетади. Аслини олганда бирор тирик мавжудот ҳақиқий лаззатланувчи эмас.

Ягона Парвардигор, ёлғиз Худо Ўзини сон-саноксиз тирик мавжудотларда кўпайтириб қўйибди. Бизлар ҳар биримиз Унинг экспансияларимиз. Худо бир ва ягона, лекин У лаззатланиш учун кўп бўлишни истади. Ўз тажрибамиздан биламизки, ёлғиз ҳолда ўзимиз билан ўзимиз суҳбатлашиб ўтириш бизга лаззат бағишламайди. Лекин тўрт-беш киши тўпланиб, дўстлар даврасида суҳбатлашсак, лаззат оламиз. Мабодо катта жамоа олдида ягона Парвардигор ҳақида гапириш имкониятига эга бўлсак, **бу лаззатга тенг келадиган лаззат топилмайди.** Лаззат - “ранг-баранглик” деганидир. Парвардигор лаззатланиш учун Ўзини кўпайтирган, демак бизларнинг вазифамиз – Унга лаззат келтиришдан иборат. Мана шу бизнинг азалий асл ҳолатимиздир. Бизни Парвардигор ана шу мақсадда яратган. Лаззатланувчи ҳам, лаззат берадиган ҳам онгли зотлар, лекин лаззат берадиган зотнинг онги лаззатланувчи Зотнинг онгига бўйсунган ҳолатда. Парвардигор лаззатланувчи, биз эса, - лаззат берувчи бўлишимизга қарамай, ҳар биримиз лаззат ҳис қилиш қобилиятига эгамиз. Лекин биз фақат Худони мамнун қиладиган ишлар билан машғул бўлиб Унинг лаззатларида иштирок этгандагина ҳақиқий лаззат ҳис қила бошлаймиз. Биз Ундан мустақил равишда, моддий, жисмоний поғонада лаззатлана олмаймиз. “Бхагавад-гита”нинг жуда кўп жойларида дунёвий жисмоний лаззатлардан узоқ юриш тавсия қилинган. “Эй Кунтининг ўғли, иссиқ билан совуқнинг ўзаро алмашиб туриши, бахт ва мусибатнинг келиб кетиши, худди киш билан ёзининг келиб кетишига ўхшайди. Буларнинг манбаи –

сезгиларнинг фаолиятidir. Эй Бхарат авлоди, рухий мувозанатни йўқотмасдан бу ўзгаришларга чидам билан сабр қилишни ўрганиш лозим”(Б.г.2.14).

Қўпол жисмоний тана моддий табиат гуналарининг ўзаро фаолияти натижасида юзага келади ва у ҳалокатга маҳкум: “Ўлчаши мумкин бўлмаган ва мангу тирик мавжудотнинг жисмоний танаси ҳалокатга маҳкум. Шунинг учун жанг қил, эй Бхарат авлоди”(Б.г.2.18). Шу боис Парвардигор бизга ҳаёт ҳақидаги тана нуктаи-назаридан келиб чиқадиган моддий тасаввурлардан юқори кўтарилишни ва ҳақиқий рухий ҳаёт билан яшашни тавсия қилади. “Агар танада мужассам бўлган жон ана шу уч гуна(эзгулик, эҳтирос ва ғафлат) таъсиридан юқори кўтарилса, у туғилиш, ўлиш, кексаликлардан ҳамда улар билан боғлиқ бўлган мусибатларнинг ҳаммасидан халос бўлишга ва ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ мангулик шарбатидан ичишга эриша олади”(Б.г.14.20).

Моддий табиат гуналаридан устун бўлиб, соф рухий *брахма-бхута* поғонасига кўтарилиш учун биз Худони англаш усулидан фойдаланишимиз лозим. Бунда Худонинг муқаддас номларини, яъни, Ҳаре Кришна маха-мантрасини зикр қилиш жуда катта ёрдам беради: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Бу мантрани бизга Чайтанья Махапрабху инъом этган. Мана шу усул *бхакти-йога* ёки *мантра-йога* деб аталади ва энг буюк илоҳиётчилар ана шу усулдан фойдаланадилар. Илоҳиёт кишилари қандай қилиб ўзларини моддий танадан ташқарида, туғилиш ва ўлишлардан йироқда ҳис қилиши ҳамда қандай қилиб моддий оламдан рухий оламга кўтарилса олиши ҳақида кейинги бобда ҳикоя қилинади.

2. Ўлаётган пайтда рухий оламга эришиш

Одатда *йоглар* деб аталадиган илоҳиёт кишиларининг бир неча тоифаси бор: хатха-йоглар, джнана-йоглар, дхйана-йоглар ва бхакти-йоглар – уларнинг ҳаммаси учун рухий олам эшиклари очиқ. *Йога* ибораси “алоқа”, “боғланиш” деган маънони англатади, *йога* тизими эса, биз рухий олам билан алоқа ўрната олишимиз учун мўлжалланган. Олдинги бобда айтганимиздай, биз ҳаммамиз азалдан Парвардигор билан боғланганмиз, лекин ҳозир биз модда билан аралашиб булганиб қолганмиз. **Бизнинг бу дунёда яшашдан асосий вазифамиз яна рухий оламга қайтиб кетишдан иборат**, рухий олам билан алоқа ўрнатиш усули *йога* деб аталади. *Йога* иборасининг яна бир маъноси – “плюс” деганни англатади. Ҳозир биз “Худо минус инсон”миз, яъни, Худодан ажралган онг билан яшайпмиз. Биз ўз ҳаётимизга Худони қўшиб олсак, яъни, “Худо плюс инсон” бўлсак, инсон танасидаги ҳаётимиз мукамал ҳаёт бўлади.

Ажалимиз етмасдан олдин биз рухий юксалиш жараёнини охирига етказиб, ана шу поғонага кўтарилишимиз лозим. Ажалимиз етиб, ҳозирги танамизни тарк этишга мажбур бўлган пайтда биз ана шундай рухий баркамолликка эриша олишимиз учун бутун умримиз давомида рухий баркамолликка яқинлашиш имконини берадиган усулдан фойдаланиб юришимиз лозим.

“Ҳеч шубҳа йўқки, ажали етган пайтда ҳаёт нафасини қошлари ўртасига тўплаган ва садоқат билан ўзининг бутун фикру-хаёлини Парвардигорда жамлаган киши Худонинг Олий Шахсига эришади”(Б.г.10).

Талаба тўрт-беш йил давомида бирор фанни ўрганади, кейин эса, имтиҳон топширади ва илмий унвонга эга бўлади. “Ҳаёт” деб аталадиган фанни ўрганиш ҳам

шундай: агар биз бутун умримиз давомида ажалимиз етган пайтда топширишимиз лозим бўлган асосий имтиҳонга пухта тайёрланиб юриб, шу имтиҳондан муваффақиятли ўта олсак, албатта рухий оламга эришамиз. **Инсоннинг бу дунёда қандай яшаганининг натижаси ажали етган пайтда аниқланади. “Инсон танасини тарк этаётган пайтда ҳаётнинг қайси шаклини эсласа, у кейинги ҳаётда ана шундай ҳаёт шаклига эришади”(Б.г.8.6).**

Бенгалия халқининг шундай мақоли бор: **“Инсоннинг рухий юксалиш йўлида қилган барча меҳнатлари унинг ажали етганда аниқланади”**. “Бхагавад-гита”да Парвардигор танасини тарк этаётган киши нима қилиши лозимлигини тушунтирган. Дхйана-йогларга мурожаат қилиб Парвардигор шундай дейди: **“Таркидунёлик турмуш тарзи билан яшайдиган, Ведаларни яхши биладиган ва ажали етганда омқара(Парвардигорнинг номи)ни тилига олган киши Брахманга киради. Ана шундай рухий баркамолликка эришиш ниятида улар бутун умри давомида уйланмасликка қасам ичадилар. Энди Мен сенга нажот топиш имконини берадиган амалий усулни ўргатаман. Йога – сезгиларнинг ҳар қандай фаолиятдан тўхтаган ҳолатидир. Сезгиларнинг барча эшикларини бекитиб, ақлини юрагида жамлаб, ҳаёт нафасини эса, калласининг юқори қисмига йўналтириб, инсон мустаҳкам йога ҳолатига эришади”(Б.г.8.11-12).**

Йога тизимида бу жараён *пратйахара* деб аталади, бунинг маъноси “бутунлай қарама-қарши” деганни англатади. Гарчи бутун умримиз давомида биз бу дунёнинг гўзаллигини томоша қилиб юрган бўлсак ҳам, ажалимиз етган пайтда сезгиларни уларга таъсир қиладиган нарсалардан тортиб олиб, ички гўзалликни томоша қилишга қаратиш лозим. Худди шундай, кулоқларимиз ҳам бутун оламни тўлдириб турган товушларни тинглашга кўникиб қолган, лекин ажалимиз етганда биз омқарани, ичимизда эшитилиб турган илоҳий товушни тинглашимиз лозим.

“Йога ҳолатида бўлган, ҳарфларнинг энг олий бирикмаси бўлган муқаддас оум бўғинини талаффуз қиладиган ва ягона Парвардигорнинг Олий Шахсини эслаган киши албатта рухий сайёраларга эришади”(Б.г.8.13). Шундай қилиб, сезгиларнинг ҳар қандай ташқи фаолиятини тўхтатиш ҳамда уларнинг ҳаммасини *вишну-мурти*да, Парвардигорнинг жамолида жамлаш лозим. Ақл жуда нотинч, лекин инсон уни ўз қалбида мавжуд бўлган Парвардигорда жамлаши лозим. Агар инсоннинг ақли юрагида жамланган, ҳаёт нафаси эса, калласининг юқори қисмига кўтарилган бўлса, у йогада баркамолликка эриша олади.

Ана шу пайтда йог қаерга йўл олишини ўзи хал қилади. Моддий оламда сон-саноксиз сайёралар мавжуд, бу коинотдан ташқарида эса, чексиз рухий олам ястаниб ётибди. Йоглар бу сайёраларни Ведаларда берилган маълумотлар орқали яхши биладилар. Америкага боришдан олдин инсон ҳар хил китоблардан олган маълумотлари асосида у ҳақда маълум бир тасаввурга эга бўлади. Худди шундай, Ведавий муқаддас китобларни ўрганиш орқали рухий сайёралар ҳақида билиб олиш мумкин. Йог Ведаларда келтирилган таърифлари ёрдамида бу сайёраларни бир-биридан ажрата олади, шу боис у бирор космик кема ёрдამисиз ана шу сайёраларнинг истаган бирига бора олади. Механик қурилмалар ёрдамида коинотда сайр қилишни бошқа сайёраларга кўтарилишга ёрдам берадиган усул деб бўлмайди. Балки, катта маблағ ва кўп куч сарфлаб бир неча киши моддий воситалар: космик кема, скафандар ва шу каби воситалар ёрдамида бошқа сайёраларга бориши мумкин, - аммо бу жуда қийин ва ноқулай йўл. Лекин барибир, моддий воситалар,

механик қурилмалар ёрдамида моддий коинот чегарасидан ташқари чиқишнинг иложи йўқ.

Олий сайёраларга эришишнинг ҳамма тан олган усуллари *джнана-йога* ва муруқабга йога усуллари ҳисобланади. Лекин, *бхакти-йога* билан моддий коинотдаги қайсидир сайёрага кўтарилиш учун шуғулланмайдилар: бевосита ягона Парвардигорга хизмат қилиб юрган содиқларни моддий оламдаги сайёралар қизиқтирмайди, чунки улар моддий оламдаги қайси сайёрага бормасинлар, ҳамма жойда тирик мавжудотлар туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликка маҳкум эканини яхши биладилар. Олий сайёраларда ҳаёт Ердагига қараганда узоқроқ давом этиши мумкин, лекин у жойда ҳам тирик мавжудотлар барибир ўлимга маҳкум. Моддий коинот деганда биз тирик мавжудотларнинг ҳаммаси туғилдиган, касалликка чалинадиган, кексаядиган ва ўладиган сайёраларни, руҳий коинот деганда эса, - ҳеч ким туғилмайдиган, ҳеч ким касалланмайдиган, кексаймайдиган ва ўлмайдиган оламни назарда тутамиз. Чуқур мулоҳаза юрита оладиган оқил кишилар моддий олам таркибидаги бирор сайёрага эришишга интилмайдилар.

Олий сайёраларга механик қурилмалар ёрдамида эришишга уринган киши шу заҳотиёқ ҳалок бўлади, чунки унинг танаси атмосферанинг кескин ўзгаришига бардош беролмайди. Лекин у олий сайёраларга муруқабга йога усули ёрдамида кўтарилса, у аввало ана шу сайёра муҳитида яшашга мослашган танага эга бўлади. Бундай ҳолатни ҳатто Ер юзиде ҳам учратиш мумкин: биз сувда яшай олмаймиз, сувда яшайдиган ҳайвонлар эса куруқликда яшай олмайдилар. Ҳатто мана шу сайёранинг ўзиде ҳам маълум бир жойда яшаш учун шу жойнинг шароитига мос келадиган танага эга бўлиш керак, демак, биз шуни яхши тушуниб олишимиз лозимки, бошқа сайёраларда яшаш учун бошқа турдаги танага эга бўлишимиз лозим. Олий сайёраларда тирик мавжудотларнинг танаси Ердагига қараганда анча узоқ умр кўради, чунки олий сайёраларнинг бир куни Ер сайёрасидаги олти ойга тенг. Ведаларда айтилганки, олий сайёраларнинг аҳолиси Ердаги ҳисоб бўйича ўн минг йилдан кўпроқ яшайдилар. Лекин, умри шунча узоқ давом этишига қарамай, барибир ўша сайёраларда ҳам ҳеч ким ўлимдан қочиб қутула олмайди. Ҳатто кимдир йигирма минг йил, эллик ёки ҳатто бир неча миллион йил умр кўрса ҳам, барибир, қанча умр кўришимиз аввалдан ўлчаб қўйилган - **ўлим муқаррар**. Ана шу муқаррар ўлим ҳукмидан қандай нажот топиш мумкин? **Ажал балосидан қандай қутулиш мумкин?** "Бхагавад-гита" мана шу саволга аниқ жавоб беради(Б.г.2.20): **"Рух туғилиш ва ўлиш нималигини билмайди. У ҳеч қачон пайдо бўлган эмас, ҳеч қачон йўқолмайди. У – туғилмаган, мангу, ҳамиша мавжуд ва азалдан бор зотдир. Тана ҳалок бўлганда рух ўлмайди"**.

Биз – руҳий табиатга эга бўлган жон, руҳмиз, шу боис мангу яшаймиз. Лекин, нимага барибир туғиламиз ва ўламиз? Ана шу саволга жавоб излаган кишини "донишманд инсон" деб ҳисоблаш лозим. Ягона Парвардигорни англаб етган ва ҳаётда Худонинг амрига бўйсуниб, илоҳий онг билан яшаб юрган киши барча донишмандлар ичида энг доно инсондир, чунки у ҳеч қачон ўзини муқаррар ажал кутиб турадиган сайёраларга интилмайди. Улар Парвардигорнинг танаси сингари мангу тана олиш учун узоқ умр кўришдан ҳам бош тортадилар. *Ишвараҳ парамаҳ кришнаҳ сач-чид-ананда-виграхаҳ. Сат* ибораси "мангу", *чит* – "илмга тўла", *ананда* ибораси эса, "лаззатга тўла" деган маънони англатади. *Кришна* – энг олий лаззат манбаи. Моддий танани тарк этсак ва руҳий оламга – Кришналока(Кришнанинг сайёраси)га ёки бошқа бирор руҳий сайёрага эришсак, биз ҳам *сач-чид-ананда* танага эга бўламиз. Шундай қилиб, ҳамиша илоҳий онг

билан яшаб юрган кишиларнинг ва моддий оламнинг олий сайёраларига эришишга интилиб юрган кишиларнинг мақсадлари бир-биридан фарқ қилади.

"Мен" дегани, яъни, инсоннинг руҳ(жон)и – чексиз кичик руҳий учқун ҳисобланади. Йог танасидаги ана шу руҳий заррани калласининг юқори қисмига кўтаришга эришганида руҳий баркамолликка эришади. Шундай ҳолатга эришгандан кейин йог моддий оламдаги ўзи истаган ҳар қандай сайёрага кўтарила олади. Агар йог Ой сайёрасида ҳаёт қандайлигини кўрмоқчи бўлса, у шу заҳотиёқ ўша сайёрага бора олади, агар уни олий жаннатий сайёралар қизиқтирса, у ўша ёққа йўл олади. Саёҳатчи осонлик билан самолётда Нью-Йоркка, Канадага ёки жаҳоннинг бошқа истаган шаҳар ва давлатларига учиб бора олгани сингари, йог ҳам осонлик билан бошқа сайёраларга бора олади. Ер юзидеги қайси давлатга бормасин, инсон ҳамма жойда бир хил тартибни, виза бериш ва божхона хизмати ишчиларига дуч келади. Худди шундай моддий оламдаги барча сайёраларда бир хил қонуният мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин: барча тирик мавжудотлар туғилдилар, кексаядилар, касалликлар сабабли қийналадилар ва ўладилар.

Ом итй экакишарам браҳма – Ажали етган пайтда йог илоҳий *оум* бўғинини, омқарани, яъни, илоҳий товуш тебранишларини талаффуз қилади. Агар йог мана шу мантрани талаффуз қила туриб, Парвардигор Кришнани, Вишнуну эсласа, энг олий мақсадга эришади. Мана шу йога усули, яъни, ақли Парвардигор Вишнуда мужассам қилиш ҳисобланади. Имперсоналистлар Парвардигорни ўзларининг ақлида қандайдир қиёфада ҳаёлан тасаввур қиладилар, персоналистлар эса, ақлида Парвардигорнинг аниқ жамолини томоша қиладилар, яъни, улар Парвардигорни яққол кўрадилар. Лекин, Парвардигорнинг жамолини ҳаёлан тасаввур қиласизми ёки Уни бевосита кўриб турибсизми – аҳамияти йўқ, асосийси – ақл Парвардигорнинг шахсий қиёфасида жам бўлиши лозим. **"Бошқа ҳеч нарсага чалғимасдан ҳамиша фақат Мени эслаб юрадиган киши осонлик билан Менга эриша олади, чунки у ҳамиша Менга садоқат билан хизмат қилиб юрган инсондир, эй Притханинг ўғли!"**(Б.г.8.14). Бу дунёдаги мана шу ўткинчи ҳаётдан, вақтинчалик лаззат ва ўткинчи қулайликлардан тўла мамнуният ҳосил қилиб юрган кишини "фаросатли инсон" деб бўлмайди, ҳар ҳолда "Бхагавад-гита"да шундай дейилган. "Бхагавад-гита"да ёзилишига кўра, бундай ўткинчи нарсалар фақат калтафаҳм одамларни ўзига жалб этади. Биз мангу руҳмиз, шундай экан, нимага энди ўткинчи, вақтинчалик нарсаларга қаноат ҳосилишимиз керак? Шу боис ҳамма ўзгармас ҳолатга интилади. Масалан, биз квартирада ижарага турган бўлсак, хўжайин биздан квартирани бўшатишни талаб қилса, албатта хафа бўламиз. Лекин биз ундан яхшироқ квартирага кўчиб ўтадиган бўлсак хафа бўлмаймиз. Биз табиатан мангумиз, шунинг учун ҳамиша ўзимизга мангу паноҳ излаймиз. Худди шундай, биз кексайишни ёки касалланишни истамаймиз, чунки бу ҳолатларнинг ҳаммаси ўткинчи ва бизнинг ташқи қобиғимиз билан боғлиқ нарсалардир. Тана хароратининг кучайиши - нормал ҳолатдан четга чиқишдир, лекин шунга қарамай, баъзан хароратимиз ошиб кетади, шунда биз аввалги соғлом ҳолатимизга қайтиш учун эҳтиёткорлик билан дори ича бошлаймиз. Тўрт турли азоб-уқубатлар касалликнинг хуружига ўхшаган ҳолат бўлиб, уларнинг ҳаммаси руҳнинг моддий тана ичида мужассам бўлгани сабабли юзага келади. Фақат қандайдир йўллар билан моддий танадан биратўла чиқиб кета олсаккина биз ўткинчи тана ичида бўлиш сабабли юзага келадиган мусибатлардан халос бўла оламиз.

Ўткинчи моддий танадан чиқишга интилиб юрган имперсоналистларга Парвардигор "Бхагавад-гита"да танасини тарк этаётган пайтда илоҳий оум бўғинини талаффуз қилишни маслаҳат беради. Шунда уларнинг руҳий оламга кўчиб ўтиши кафолатланади. Лекин, руҳий оламга эриша олгани билан улар ундаги бирор сайёрада ўзларига макон топа олмайдилар. Улар *брахмажйотида* ушланиб қоладилар, шу боис руҳий сайёраларга эришолмайдилар. Брахмажйотини куёш нурига ўхшатиш мумкин, руҳий сайёраларни эса, – куёшнинг ўзига. Руҳий оламда имперсоналистлар Парвардигорнинг илоҳий танасидан таралиб турган ёғду, *брахмажйотида* кўшилиб кетадилар. Улар *брахмажйотини* ташкил этадиган руҳий заррачалар кўринишида мавжуд бўлишда давом этадилар. "Парвардигорнинг руҳий борлигига кўшилиб кетиш" деганда айнан мана шу ҳолат назарда тутилади. *Брахмажйотида* кўшилиш деганда "тирик мавжудот унда бутунлай йўқ бўлиб кетади" деб ўйламаслик керак; руҳий зарра ўзининг алоҳида мавжудлигини сақлаб қолаверади, лекин имперсоналистнинг ўзи шахсий киёфага эга бўлишни истамагани сабабли у ана шу нур таркибида руҳий зарра кўринишида мавжудлигини давом эттиради. *Брахмажйоти* худди майда заррачалардан таркиб топган куёш нурига ўхшайди ва кўплаб руҳий зарралардан таркиб топган бўлади.

Лекин, тирик мавжудот бўлганимиз учун биз лаззатланишни истаймиз. Биз шунчаки мавжуд бўлиб юриш билан қаноатлана олмаймиз. Биз шунчаки мавжуд (*сам*) бўлиб қолмасдан, лаззат(*ананда*) ҳис қилишни ҳам истаймиз. Тўла бутун ҳолатида тирик мавжудот ўзида уч сифатни: мангулик, илм ва лаззатни бирлаштиради. Шахсиятсиз ҳолатни қабул қилиб, *брахмажйоти* таркибига кирган зотлар шу ҳолатда, Браҳман билан кўшилганини ўзлари тўлиқ англаган ҳолда маълум бир вақт мобайнида қолишлари мумкин, лекин улар бу ҳолатда мангу *ананда*, лаззат ҳис қила олмайдилар, чунки уларнинг бу ҳолатида бундай сифат йўқ. Инсон ўзининг хонасида маълум бир вақт мобайнида ёлғиз қолиб, китоб ўқиб ёки чуқур фикр-мулоҳазаларга берилиб лаззатланиб юриши мумкин, лекин ҳеч ким бир хонада бир неча йил қолиб кета олмайди, албатта, бундай ҳолатда мангу қолиб кетишининг ҳам илоҳи йўқ. Шунинг учун ўзининг шахсий киёфасини йўқотиб, Парвардигорнинг руҳий борлигига кўшилиб кетган кишилар бошқалар билан ҳамсухбат бўлиш имкониятига эга бўлиш учун истаган пайтда яна моддий оламга қайтиб тушишлари мумкин. "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган. Астронавтлар минглаб километр йўл босишлари мумкин, лекин улар кўниш мумкин бўлган бирор сайёрани топа олмасалар, яна Ер сайёрасига қайтиб келишга мажбур бўладилар. Ҳар ҳолда инсонга қандайдир қўналға, макон керак бўлади. Шахсиятсиз киёфада тирик мавжудотнинг ҳолати мустаҳкам бўлмайди. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, шунча ҳаракат қилиб имперсоналист шахсиятсиз кўринишда руҳий оламга эришса ҳам, у барибир яна моддий оламга қайтиб келади, чунки у муҳаббат ва садоқат билан ягона Парвардигорга хизмат қилмайди. Токи биз бу дунёда, Ер юзида яшар эканмиз, қалбимизда Худога, ягона Парвардигор Шри Кришнага муҳаббат уйғотишимиз ва Унга қандай хизмат қилишни ўрганишимиз лозим. Шундагина биз руҳий оламдаги сайёралардан бирига эриша оламиз. Руҳий оламда имперсоналист эгаллайдиган ҳолат мустаҳкам ҳолат эмас, чунки у жойдаги ёлғизлик туйғуси уни ким биландир ҳамсухбат бўлиш имконини излашга ундайди. У Парвардигор билан бевосита шахсий мулоқотда бўла олгани учун яна моддий оламга қайтиб келишга ва шу ерда шартланган руҳлар билан ҳамсухбат бўлишга мажбур бўлади.

Шунинг учун биз ўзимизнинг азалий ҳолатимизни, яъни, азалдан мукаммал илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга интилишимизни талаб қиладиган асл табиатимизни билиб олишимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Шахсиятсиз брахмажйотида узоқ вақт ёлғизликда қолсак, лаззатланиш имкониятидан маҳрум бўламиз, шу боис лаззатланиш учун яна моддий оламга қайтиб келамиз. Лекин, илоҳий онгга эга бўлиб, Худонинг хоҳишига мос равишда яшасак, биз ҳақиқий лаззат ҳис қила бошлаймиз. Моддий оламда ҳамма жинсий алоқа келтирадиган лаззатни "**Энг буюк лаззат**" деб билади. Мана шу лаззат – руҳий оламдаги жинсий алоқанинг, Парвардигор билан тирик мавжудотнинг ўзаро муносабатининг бузилган аксидир. Лекин, руҳий оламда ҳис қиладиган лаззат моддий оламдаги жинсий алоқа лаззатига ўхшайди деб ўйламаслик керак. Йўқ, бу умуман бошқача лаззат бўлади. Лекин, агар руҳий оламда жинсий ҳаёт бўлмаса, у бу оламда акс этмаган бўларди. Бу ерда унинг фақат бузилган акси мавжуд, ҳақиқий ҳаёт – чексиз лаззатга тўла илоҳий онг, Парвардигор онги билан яшашдир. Шу боис, ажалимиз етганда руҳий оламга эришиб, Парвардигор билан бирга яшаш имкониятига эга бўлиш учун вақтни бекор кетказмасдан ҳозирданок тайёргарлик кўриб бориш керак. "Брахма-самхита"(5.29)да Парвардигор ва Унинг даргоҳи шундай таърифланади: "**Мен Говиндага, азалий ягона Парвардигорга сажда қиламан, У ўзининг ерлари фалсафа тошларидан тўшалган, миллионлаб орзулар дарахти ўсиб ётган илоҳий даргоҳида сигир боқиб юради ва тирик мавжудотларнинг барча истакларини рўёбга чиқаради. Юз минглаб омад фаришталари(лакшмилар), гопилар ҳамиша Унга чуқур муҳаббат ва садоқат билан хизмат қиладилар**". Кришналоқанинг таърифи ана шундай. У даргоҳдаги уйлар "фалсафа тоши" деб аталадиган тошлардан қурилган. Фалсафа тошига теккан ҳар қандай нарса шу заҳотиёқ олтинга айланиб қолади. У жойда ўсадиган дарахтлар – ҳар қандай истакни амалга оширадиган орзулар дарахтидир. Бу дунёда манго дарахтида фақат манго ўсади, олма дарахтида эса, - фақат олма, руҳий оламдаги ҳар қандай дарахт истаган нарсангизни муҳайё этишга қодир. Руҳий оламдаги сигирлар *сурабхи* деб аталади, улар чексиз миқдорда сут берадилар. Ведаларда руҳий оламдаги сайёралар шундай таърифланган.

Моддий оламда бизлар туғилишга, ўлишга ва турли азоб-укубатларга кўникиб қолганмиз. Дунёвий олимлар ҳиссий лаззатланиш учун мўлжалланган ҳар хил машиналарни, кўплаб оммавий қирғин қуролларини ихтиро қилганлар, лекин улар ҳалигача касаллик, кексайиш ва ўлим муаммоларини ҳал қила олмаяптилар. Улар касаллик, кексайиш ва ўлимни бартараф қила оладиган машина яратишга қодир эмаслар. Биз ўлимни яқинлаштирадиган нарсаларни яратишимиз мумкин, лекин ўлимдан сақлаб қоладиган бирор нарса ихтиро қилишга қодир эмасмиз. Лекин, ҳақиқий донишманд кишилар моддий ҳаётнинг мана шу тўрт муаммосини ҳал қилиш билан шуғулланмайдилар, аксинча, улар бу оламни тарк этиб, руҳий сайёраларга олиб борадиган йўлни излайдилар. Ҳамиша илоҳий лаззат ҳолатида бўлган киши(*нитийа-йуктасйа йогинах*), ҳеч қандай ташқи нарсаларга чалғимайди. У ҳамиша жазавали илоҳий лаззат оғушида юради. У ҳамиша Парвардигор ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан банд бўлиб юради ва бошқа ҳеч нарсага чалғимайди(*ананйя-четах сататам*). *Сататам* ибораси "ҳамиша ва ҳамма жойда" деганни билдиради.

Мен Ҳиндистонда Вриндаванда яшадим, ҳозир эса, Америкадаман, лекин бу – "мен Вриндаванни тарк этдим" дегани эмас, чунки агар мен ҳамиша Кришнани ўйлаб, Уни эслаб юрсам, қаерда юришимдан қатъий назар ҳамиша

Вриндаванда бўламан. Илохий онг эгаси бўлган киши ҳамиша Парвардигор билан бирга руҳий сайёрада, Голока Вриндаванда юрган бўлади, у фақат ҳозирги моддий танасини тарк этадиган пайтнинг келишини кутиб юрган бўлади. *Смарати нитйашах* ибораси “ҳамиша эслаб юриш” дегани англатади, ҳамиша Парвардигорни эслаб юрган кишининг Худонинг даргоҳига эришиши осон бўлади, унинг учун Парвардигор – *тасйахам сулабхах*, “эришиш осон Зот”. Парвардигорнинг Ўзи айтганки, Унга *бхакти-йога* усули ёрдамида эришиш жуда осон. Шундай экан, бошқа усулларнинг нима кераги бор? Биз ҳамиша Худонинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юришимиз мумкин: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Бунинг учун қандайдир оғир шартларни бажаришнинг ҳам кераги йўқ: мантрани кўчада, метрода, уйда ёки иш жойида такрорлаб юриш мумкин. Бунинг учун ҳақ тўланмайди, ана шу осон йўлдан бориб ҳаётда энг олий мақсадга эришимизга ким тўсқинлик қилиши мумкин?

3. Моддий олам қамоқхонасидан озодликка чиқиш

Ғйани ва йоглар одатда имперсоналистлар ҳисобланадилар, гарчи улар шахсиятсиз ёғдуга, яъни руҳий осмонга кўшилиб вақтинчалик озодликка эришсалар ҳам, "Шримад Бҳагаватам"да таъкидланганидек, уларнинг илми пок илм эмас. Улар ҳар хил муқаддас қасамларга риоя қилиб, қаттиқ риёзатлар чекиб, муроқаба билан шуғулланиб Олий Мутлақ поғонасига кўтарилишлари мумкин, лекин аввал тушунтирилганидек, Парвардигорнинг шахсий қиёфасини жиддий қабул қилмагани сабабли улар яна моддий оламга қайтиб келадилар. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилмаган киши яна пастга, моддий поғонага кулашга мажбур бўлади. Аслида биз бундай фикр юритишимиз лозим: “Эй Парвардигор! Мен – Сенинг мангу хизматкорингман. Илтимос, Сенга хизмат қилишимга руҳсат бер!” Парвардигорни *аджита*, яъни, “енгилмас Зот” деб атайдилар, чунки ҳеч ким уни мағлуб қилишга қодир эмас, лекин "Шримад Бҳагаватам"да айтилганидек, Парвардигорга ана шундай фикрлар билан мурожаат қиладиган киши Уни осонлик билан мағлуб қила олади. Шунингдек, "Шримад Бҳагаватам" бизни Парвардигорни тўлиқ билиб олишга, унинг буюклигини ўлчашга бекорга уринишдан ҳам қайтаради. Биз ҳатто ўзимиз яшаётган коинот чегараларини ўлчашга қодир эмасмиз, шундай экан Парвардигорнинг қудратини ўлчашга йўл бўлсин! Инсоннинг эгаллаган арзимас илми Парвардигорнинг ўлчамларини аниқлаш учун етарли эмас, шу ҳақиқатни англаб етган кишини оқил, донишманд инсон деб атайдилар. Камтарин ҳолда тан олишимиз лозимки, биз коинотнинг арзимас даражада кичик бир заррачасимиз, холос. Парвардигорни чекланган илмимиз ёки ақл кучи ёрдамида тушуниб етишга бекорга уринишни тарк этиб, Парвардигор ҳақида "Бҳагавад-гита" сингари ишончли муқаддас китобларда ёзилган гапларга ёки руҳий ўзлигини англаб етган инсонларнинг айтган гапларига камтарин ҳолда қулоқ солишимиз лозим.

"Бҳагавад-гита"да Аржун Худо ҳақида Шри Кришнанинг Ўзи айтган гапларни диққат билан тинглайди. Бу билан Аржун бизларга Худони англаб етишга жиддий интилаётган киши қандай йўл тутиши лозимлигини кўрсатиб беради. Биз "Бҳагавад-гита"ни Аржундан ёки унинг ҳақиқий вакили бўлган руҳий устоздан тинглашимиз

лозим. Уларни тинглаш орқали олган илмимизни кундалик турмушимизда қўллаб яшашимиз керак. Худонинг содиқ хизматкори Парвардигорга шундай илтижо қилади: “Эй Худойим, Сен енгилмас Зотсан, лекин ишончли манбаларни тинглаб юрган киши Сени мағлуб қилишга қодир”. Парвардигор енгилмас, лекин Уни ўзининг чекланган ақл кучи ёрдамида тушунишга уринмасдан, ишончли манбаларга мурожаат қиладиган киши Уни мағлуб қила олади.

"Брахма-самхита"да айтилганки, илм олиш усули пастдан юқорига ёки юқоридан пастга қараган бўлиши мумкин. Илм олишнинг пастдан юқорига қараган усулида инсон ўз кучи билан илм ўрганadi. Бунда у: “Ишончли манба ва китоблар мени кизиктирмайди. Муруқаба, фалсафий изланишлар ёрдамида мустақил ҳолда ўзим илм ўрганаман. Мен шу тариқа Худони англаб егаман” - деб ўйлайди. Илм олишнинг бошқа, юқоридан пастга қараган усули ишончли манбалардан илм ўрганишни назарда тутadi. "Брахма-самхита"да айтилганки, илм олишнинг пастдан юқорига қараган усулини танлаган киши ҳатто бу йўлдан шамол ёки хаёл тезлигида миллион йиллар ҳаракат қилса ҳам Худони англаб етолмайди. У англаб етишга интилаётган Зот ундан аввал қандай узоқда бўлса шундайлигича, англаб ва эришиб бўлмас даражада узоқ бўлиб қолаверади. Ана шу Зот ҳақида "Бҳагавад-гита"да шундай дейилган: *анания-четах*. Кришна айтадики, инсон Худони англаб етиши учун садоқат билан хизмат қилиш чегарасидан четга чиқмасдан, камтарин ҳолда Унга муруқаба қилиб яшаши лозим. У айтадики, Парвардигорга шу тарзда сиғиниб юрган киши Унга осонлик билан эриша олади(*тасйахам сулабхах*). Худони англаш усули шундай. Агар инсон Худога хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлаган бўлса, Парвардигор уни Ўз эътиборидан четда қолдира олмайди. Камтарин ҳолда бўйсуниб, бош эгиш билан инсон Парвардигорнинг эътиборини ўзига тортади. Руҳий устозим Бхактисиддханта Сарасвати Тхакур тез-тез таъкидлаб айтардики: “Худони кўришга уринманг. Худо сизнинг югурдагингиз эмаски, шунчаки сиз Уни кўришни истаган заҳоти олдингизга чопиб келса. Камтарин киши ўзини бундай тутмайди. Биз ўз хизматимиз ва муҳаббатимиз билан Уни ўзимизга боғлаб олишимиз лозим”.

Чайтанья Махапрабху инсониятга Худони англаб етишнинг осон йўлини кўрсатиб кетган, биринчи шогирди Рупа Госвами Унинг бу саховатини жуда юксак баҳолаган. Рупа Госвами мусулмон ҳукуматида вазир лавозимида хизмат қиларди, лекин Чайтанья Махапрабхуга шогирд тутиш учун у ҳукумат таркибидаги лавозимидан бўшади. Рупа Госвами Парвардигорнинг олдида келганида, Унинг олдида узала тушган ҳолда сажда қилиб шундай деганди:

намо маха ваданйайа кришна-према-прадайя те

кришнайя кришна-чаитанйя-намне гаура-твише намах

“Мен чуқур эхтиром билан Шри Кришна Чайтанья Махапрабху олдида сажда қиламан. У барча аватаралар (Худонинг кўринишлари) ичида энг саховатлиси, У ҳатто Кришнанинг Ўзидан ҳам саховатли, чунки Ундан олдин ҳеч ким бермаган энг нодир неъмат – Худога муҳаббат туйғусини У саховат билан ҳаммага бирдай улашяпти”.

Рупа Госвами Чайтанья Махапрабхуни энг сахий, энг олижаноб Зот деб атаган, чунки У бутун оламда энг нодир ва қимматбаҳо неъмат – Худога муҳаббат туйғусини ҳеч кимдан қизғанмасдан барчага бирдай улашган. Бизларнинг ҳаммамизга етишмайдиган ягона зот – Парвардигор, ҳар бир инсон Худога интилиб яшайди. Худо, ягона Парвардигор - энг ёқимли, энг чиройли, энг бой, энг кучли, энг билимдон Зот. Биз ҳаммамиз гўзалликка, куч-қудратга, илмга, бойликка интиламиз. Парвардигор эса, – ана шу

нарсаларнинг ҳаммасининг туганмас манбаи, шунинг учун биз бутун фикру-хаёлимизни фақат Унга қаратишимиз лозим, шунда биз ўзимиз интилиб юрган ҳамма нарсага эришамиз. Қалбимиздаги орзу-ҳаваслар, истаклар қандай бўлишидан қатъий назар, агар биз Худони англаш йўлидан адашмасдан боришда давом этаверсак, уларнинг ҳаммаси албатта рўёбга чиқади.

Аввал айтилганидек, ажали етганда илоҳий онг билан, яъни, Худони эслаб ўлган киши албатта Кришналоқага, рухий оламда Парвардигорнинг шахсан Ўзи яшайдиган энг олий сайёрага эришади. Шундай савол туғилиши мумкин: Парвардигорнинг салтанати бўлган ана шу сайёрага эришсак, биз нимага эга бўламиз? Бу саволга Парвардигорнинг Ўзи "Бхагавад-гита"(8.15)да шундай жавоб беради:

*мам упетйа пунар джанма дукхалайам ашаиватам
напнунанти махатманах самсиддхим парамам гатах*

“Менга эришгандан кейин ана шу буюк зотлар, Менинг содиқларим, мусибат тўла бу ўтқинчи оламга ҳеч қачон қайтиб келмайдилар, чунки улар рухий баркамолликнинг энг олий поғонасига кўтарилган бўладилар”.

Бутун борлиқни яратиб қўйган Парвардигорнинг Ўзи тасдиқлаётгани, ҳозир биз яшаётган бу моддий олам – *дукхалайам*, мусибатларга тўла макон. Шундай экан, уни лаззат маконига айлантириш бизнинг қўлимиздан келармиди? Наҳотки, “илмий тараққиёт” деб аталадиган арзимас тадбирлар ёрдамида бу дунёда бахтли яшаш учун қулай шароит яратиш мумкин бўлса? Йўқ, бунинг иложи йўқ. Лекин биз шуни тушунишни истамаймиз, чунки ҳатто бу дунёдаги асосий мусибатлар нима эканини ҳам билишни истамаймиз. Аввал айтганимиздай, бу мусибатлар – туғилиш, кексайиш, касалликлар ва ўлишдан иборат, лекин, ана шу муаммоларни ҳал қилиш йўлини билмаганимиз сабабли биз уларни кўрмасликка, сезмасликка ҳаракат қиламиз. Ҳамиша бизларни мағлуб қилиб келаётган ана шу мусибатларга қандай чек қўйиш кераклигини дунёвий олимлар билмайдилар. Бунинг ўрнига улар космик кемалар ва атом бомбалари яратиб, ақлимизни ана шу асосий муаммолардан чалғитадилар. "Бхагавад-гита"нинг мазкур шеърида бу муаммоларни қандай ҳал қилиш мумкинлиги айтилган: агар инсон Парвардигорнинг даргоҳига эришса, у бу туғилиш ва ўлишлар оламига бошқа қайтиб келмайди. Биз бу дунёда яшаш мусибатларга тўла эканини англаб етишимиз лозим. Буни тушуниш учун инсон етарлича ривожланган онгга эга бўлиши керак. Итлар, мушуклар, чўчқалар бу дунёда мусибат чекиб яшаётганини тушуна олмайдилар. Инсонни одатда “онги юксак даражада ривожланган ҳайвон” деб атайдилар, лекин, у мана шу мусибатлардан қутулиш йўлини излаш ўрнига ўзининг юксак ривожланган онгидан ҳайвоний эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиб яшайди. Парвардигор очик айтяптики, Унинг даргоҳига эришган киши ҳеч қачон мусибатларга тўла бу дунёда туғилмайди. Унинг даргоҳига эришган буюк зотлар рухий баркамолликнинг инсонни шартланган ҳолатда тирикчилик қилиш билан боғлиқ бўлган барча мусибатлардан халос этадиган энг олий поғонасига кўтарилдилар.

Оддий тирик мавжудот Парвардигордан яна шуниси билан фарқ қиладики, у бир вақтда фақат битта жойда мавжуд бўла олади, Парвардигор эса, бир вақтнинг ўзида оламнинг истаган жойида ва айни пайтда Ўзининг илоҳий даргоҳида мавжуд бўла олади. Парвардигорнинг илоҳий оламдаги даргоҳи Ҳолока Вриндавана деб аталади. Ҳиндистондаги Вриндаван – Ер юзида нозил бўлган ана шу илоҳий даргоҳдир. Парвардигор Ўзининг ички қуввати ёрдамида Ер сайёрасига ташриф буюрганида Унинг *дхамаси*, даргоҳи ҳам У билан бирга келади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор Ер юзига келганида айнан

ана шу жойга ташриф буюради. Лекин шунга қарамай, Парвардигорнинг даргоҳи ҳамиша рухий оламдаги илоҳий салтанатда, Ваикунтхада жойлашган. Мазкур шеърда Парвардигор айтадики, Унинг Ваикунтхадаги даргоҳига эришган киши қайтиб моддий оламда туғилмайди. Ана шундай кишини *махатма* деб атайдилар. Ғарбий давлатларда *махатма* иборасини одатда Махатма Гандини ифодалаш учун ишлатадилар, лекин шуни тушуниб олиш лозимки, *махатма* – сиёсий арбобларга бериладиган унвон эмас. *Махатма* деб Худони англаш йўлида юқори поғонага кўтарилган ва Худонинг даргоҳига кириш ҳуқуқига эга бўлган кишиларни айтадилар. Ўзининг инсон танасида ўтадиган нодир умридан ҳамда Парвардигор ато этиб қўйган табиат инъомларидан туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан қутулиб кетиш йўлида тўғри фойдалана билган киши *махатма* даражасига эришади.

Ақл-фаросатли киши бу дунёда мусибатлар у истамаса ҳам ўзидан-ўзи келаверишини билади. Юқорида айтганимиздек, биз бу дунёда ҳамиша мусибат чекиб яшаймиз: бизга ақлимиз ва танамиз, бошқа тирик мавжудотлар ёки табиий офатлар ҳамиша турли мусибатлар келтиради. Бизга истаган пайтда бирор мусибат етказадиган қандайдир сабаб албатта топилади. Аслида бу моддий олам мусибат учун яратилган: **агар мусибат бўлмаса, биз Худони изламаган бўлардик.** Аслини олганда мусибатлар – инсонни Худони англашга, илоҳий онгга эга бўлишга ундайдиган туртки ҳисобланади. Ақл-фаросатли киши ўзига ўзи савол беради: “Нимага мен истамасам ҳам турли мусибатлар бошимга тушаверади?” Ўзларини илғор маданиятли инсонлар деб юрган ҳозирги одамлар эса: “Майли, бошимга қандай мусибат тушса тушаверсин, озгина ароқ ёки наркотик ичиб олсам, ҳаммасини унутиб юбораман” - деб ўйлайдилар. Лекин, ароқ ёки наркотик модданинг таъсир кучи кетган заҳоти у яна ўша мусибатларга дучор бўлади. Бундай сунъий усуллар моддий тирикчиликка ҳамиша ҳамроҳ бўлиб юрадиган мусибатлардан бутунлай халос бўлишимизга ёрдам бера олмайди. Улардан биратўла қутулишнинг ягона йўли – Худони англаш йўлига киришдан иборат.

Кимдир савол бериши мумкин, бу дунёда фақат Худонинг асл содиқларигина рухий оламдаги Парвардигорнинг шахсан Ўзи яшайдиган сайёрага эришишга интиладилар, кўпчилик одамлар эса, Ой сайёрасига эришишга интиладилар. Ойга эришишни ҳам катта ютуқ деб ҳисоблаб бўлмайми? Тирик мавжудот бошқа сайёраларга сайр қилишни ёқтиради. Тирик мавжудотни баъзан *сарва-гата*, яъни, “ҳамма жойда сайр қилиб юришни истайдиган зот” деб атайдилар. Сайр қилиш истаги тирик мавжудотнинг табиатида азалдан бор бўлган хусусият. Ойга бориш истаги тирик мавжудот учун қандайдир янгилик эмас. Йоглар ҳам олий сайёраларга эришишга интиладилар, лекин Парвардигор "Бхагавад-гита"(8.16)да бунинг ҳеч қандай фойдаси йўқлигини айтади: **“Моддий оламнинг энг олий сайёрасидан то энг кичик сайёрасигача бўлган барча сайёралар туғилиш ва ўлиш такрорланиб турадиган мусибатлар маконидир. Лекин, Менинг даргоҳимга эришган киши ҳеч қачон қайта туғилмайди, эй Кунтининг ўғли”.**

Коинот олий, ўрта ва қуйи сайёралар тизимига бўлинган. Ер сайёраси ўрта сайёралар тизимига киради. Парвардигор таъкидлаётгани, ҳатто коинотнинг энг олий сайёраси бўлган Браҳмалоқада ҳам туғилиш ва ўлиш такрорланиб туради. Коинотдаги барча сайёраларда тирик мавжудотлар яшайди. Фақат бизнинг сайёрамизда ҳаёт бор, бошқа сайёраларда ҳаёт йўқ, деб ўйламаслик керак. Ер юзининг бирор жойида тирик мавжудот яшамайдиган жой йўқлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ер остининг чуқур жойларида биз чувалчанглари, чуқур сув остида турли

балиқларни, баланд осмонда кўплаб қушларни кўришимиз мумкин. Шундай экан, қандай қилиб бошқа сайёраларда ҳаёт йўқ деб ўйлаш мумкин? Лекин Парвардигор айтиптики, ҳатто фаришталар яшайдиган сайёрага борсак ҳам барибир муқаррар ўлимга маҳкум бўлаверамиз. Парвардигор яна таъкидлаб айтадики, Унинг илоҳий салтанатиға эришган киши бу моддий оламда бошқа туғилмайди.

Биз ҳамиша **илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эришишга самимий интилиб яшашимиз** лозим. Биз бу дунёда яшашдан асл мақсадимиз, ҳақиқий манфаатимиз ана шундан иборат эканини эсдан чиқариб юборганмиз. Нимага буни эсдан чиқариб юборганмиз? Чунки бизни моддий оламнинг ранг-баранг жилвалари – осмонўпар бинолари, катта завод-фабрикалар, турли сиёсий можаролар ўзига мафтун қилиб қўйган, лекин бу дунёда қанчалик ажойиб иморатлар қурмайлик, барибир бу ерда мангу яшаб қололмаслигимизни ҳаммамиз яхши биламиз. Биз куч-қудратимизни оғир саноатни ривожлантиришга ва катта-катта шаҳарлар барпо этишга сарфламаслигимиз лозим, бундай фаолият натижасида биз моддий табиат тўрларига тобора чигалроқ ўралиб бораверамиз. Биз бор кучимизни Худони англашга, қалбимиздаги илоҳий онгни, Худого муҳаббат туйғусини ривожлантиришга ва рухий танага эга бўлиш йўлида сарфлашимиз лозим. Шунда биз Парвардигорнинг шахсан Ўзи яшайдиган сайёрага эриша оламиз. **Худони англаш, Худонинг хоҳиши билан яшаш шунчаки, қандайдир диний оқим ёки рухий эрмак эмас.** Илоҳий онг билан яшаш – тирик мавжудотнинг энг муҳим ва асосий вазифаси, унинг асл табиий ҳолатидир.

4. Коинотимиздан ташқаридаги олам

Агар коинотдаги олий сайёраларда ҳам туғилиш ва ўлиш мавжуд бўлса, нимага буюк йоғлар ана шу сайёраларга эришишга интиладилар? Бу йоғлар жуда кучли сеҳр қудратига эга бўлишлари мумкин, лекин шунга қарамай, барибир, уларнинг қалбида моддий оламдаги лаззатлардан роҳатланиб яшаш истаги сақланиб қолган. Олий сайёраларда тирик мавжудотлар тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада узоқ умр кўрадилар. Парвардигор ана шу сайёраларда вақт қандай ўлчанишини тушунтиради: **“Ердаги вақт ўлчами бўйича минг давр(йуга) Брахмининг бир қунига тенг. Унинг туни ҳам шунча узоқ давом этади”**(б.г.8.17).

Битта юга 4.300.000 йилдан иборат. Ана шундай даврлардан мингтаси Брахмалока сайёрасида Брахмининг ўн икки соатини ташкил этади. Унинг туни ҳам шундай ўн икки соат давом этади. Шундай ўттиз сутка бир ой бўлади, бир йилда ўн икки ой бор, Брахма шундай йиллардан иборат бўлган юз йил давомида яшайди. Ана шу сайёрада яшайдиган аҳоли тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада узоқ умр кўради, лекин шунга қарамай, ҳатто триллион йиллар давомида умр кўрсалар ҳам, барибир, Брахмалокада яшайдиган зотлар ҳам муқаррар ўлимга маҳкум. Токи бизлар рухий сайёраларга эришмас эканмиз, ажал ҳамма жойда бизга ҳамроҳ бўлиб юраверади.

“Брахмининг кундузи бошланганида сон-саноксиз тирик мавжудотлар дунёга келадилар, Брахмининг туни кириб келиши билан уларнинг ҳаммаси яксон бўладилар”(Б.г. 8.18). Брахмининг кундуз куни ниҳоясига етганида барча қуйи сайёралар тизими сув тошқини остида қолади, уларда яшайдиган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси яксон бўлади. Сув тошқинидан кейин Брахмининг туни тугаб, эрталаб Брахма уйқудан уйғонганида оламнинг яралиши қайтадан бошланади. Тирик мавжудотларнинг ҳаммаси қайтадан дунёга келадилар. Шундай қилиб,

моддий оламнинг такрор ва такрор яралиш цикли унинг ўзига хос табиий хусусиятидир. **“Кун кириб келганда ана шу сон-саноксиз тирик мавжудотлар такрор ва такрор дунёга келадилар, тун кириб келганда эса, улар ноиллож ҳолда яна мавҳум ҳолатга ғарқ бўладилар, о Партха”**(Б.г.8.19).

Сув тошқини бирор тирик мавжудотга ёкмайди, лекин шунга қарамай, барча қуйи сайёралар сувга ғарқ бўладилар, уларда яшайдиган тирик мавжудотлар эса, Брахмининг бутун туни давомида сув остида қолиб кетадилар. Кундуз кириб келиши билан сув аста-секин тортилади.

“Лекин, мана шу намоеън бўлган ва намоеън бўлмаган моддий табиатдан бошқа мангу ва илоҳий табиат ҳам мавжуд. Ана шу олий табиат ҳеч қачон яксон бўлмайди. Моддий оламда ҳамма нарса яксон бўлганида ҳам бу табиат ўзгармай қолаверади”(Б.г.8.20).

Биз моддий коинотнинг ўлчамларини аниқлай олмаимиз, лекин Ведавий муқаддас китоблардан биламизки, бутун борлиқ миллионлаб сайёралардан таркиб топган, ана шу моддий коинотлардан ташқарида эса, бошқа, чексиз рухий олам ястаниб ётибди. Рухий оламдаги сайёраларнинг ҳаммаси мангу, уларда яшайдиган тирик мавжудотлар ҳам мангу яшайдилар. Мазкур шеърда ишлатилган *бхаваҳ* ибораси “табиат” деган маънони англатади, бу ерда бошқа табиат ҳақида маълумот берилган. Биламизки, бу дунёда ҳам икки хил табиат мавжуд. Тирик мавжудот – рухий табиатга эга жон, рух, токи у моддий тана ичида экан, тана ҳаракатлана олади, лекин ана шу рухий зарра танани тарк этган заҳоти тана кўзгалмас, жонсиз ўлик нарсага айланиб қолади. Рухий табиат “Парвардигорнинг олий табиати” деб аталади, моддий табиат эса, – Унинг қуйи табиатидир. **Моддий оламдан ташқарида бутунлай рухий табиатга эга бўлган олий, рухий олам мавжуд.** Бу ҳақиқатни эмпирик усуллар билан аниқлашнинг иложи йўқ. Телескопга қарасак, миллион-миллион юлдузларни кўришимиз мумкин, лекин биз уларга боришга қодир эмасмиз. Биз ўз имкониятларимиз чегарасини яхши билишимиз лозим. Биз тажриба(эмпирик) усули ёрдамида ҳатто моддий оламни ўргана олмасак, қандай қилиб бу усул ёрдамида Парвардигорни ва Унинг салтанатини англаб етишимиз мумкин? Буни тажриба йўли билан ўрганишнинг иложи йўқ. Худони англаб етиш учун биз “Бҳагавад-гита”ни тинглашимиз лозим. Биз тажриба ўтказиш йўли билан отамиз ким эканини аниқлай олмаимиз. Бунинг учун онамизга ишонишимиз ва унинг гапини ишонч билан аниқ ҳақиқат сифатида қабул қилишимиз лозим. Агар онамизга ишонмасак, отамиз ким эканини аниқлай олмаимиз, чунки отамиз кимлигини аниқлашнинг бошқа йўли йўқ. Худди шундай, агар биз Худони англаш, илоҳий онг билан яшаш усулидан фойдалансак, Парвардигорни ҳам, Унинг салтанатини ҳам билиб оламиз.

Парас ту бхаваҳ ибораси “олий табиат” деган маънони англатади, *вийактаҳ* ибораси эса, биз намоеън бўлган ҳолда кўриб турган оламни билдиради. Биз биламизки, моддий олам ер, ой, куёш, сайёралар ва юлдузлар кўринишида намоеън бўлиб турибди. Ана шу коинотдан ташқарида эса, бошқа, мангу олам жойлашган, *авийакта санатанаҳ*. Моддий табиатнинг боши ва охири бор, лекин рухий табиат – *санатанаҳ*, мангу. Унинг бошланиши ҳам, охири ҳам йўқ. Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин? Осмонда булут пайдо бўлганида гўё у осмоннинг жуда катта қисмини қоплаб олгандай бўлиб кўриниши мумкин, лекин аслида булут – осмоннинг арзимаган бир қисмини қоплаб олган бир зарра, холос. Булут осмоннинг атиги бир неча юз минг км майдонини қоплаб олса, бизларга бутун

осмонни булут қоплагандай бўлиб кўринади. Аслида биз ўзимиз жуда кичик бўлганимиз учун шундай туюлади. Худди шундай бутун моддий олам ҳам чексиз рухий олам осмондаги кичкина булутга ўхшайди. У *махам-маттва*, модда билан қопланган. Булутлар пайдо бўлади ва йўқолиб кетади, худди шундай моддий оламнинг ҳам бошланиши ва охири бор. Булутлар тарқалиб, осмон мусаффо бўлганида биз ҳамма нарсани асл ҳолида кўра бошлаймиз. Танамиз ҳам худди руҳни қоплаб олган булутга ўхшайди. У маълум бир вақт мобайнида мавжуд бўлиб туради, насл қолдиради, кейин кексаяди ва ўлади. Биз бу дунёда кўришимиз мумкин бўлган ҳар қандай моддий жисм моддий табиатга хос бўлган олти хил ўзгаришлар орқали ўтади: у пайдо бўлади, ўсади, мавжуд бўлиб туради, насл қолдиради, кексаяди ва яқсон бўлади. Парвардигор айтадики, булутга ўхшаган мана шу ўзгарувчан табиатдан бошқа, мангу табиатга эга бўлган рухий табиат ҳам бор. Моддий табиат яқсон бўлганида ана шу табиат, *авйактаҳ санатанаҳ* аввалгидай мавжуд бўлиб қолаверади.

Ведавий муқаддас китобларда моддий олам ҳақида ҳам, рухий олам ҳақида ҳам жуда кўп маълумотлар келтирилган. "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи кўшиғида рухий олам ва унда яшайдиган зотлар таърифланган. Унда яна айтилганки, рухий оламда ҳаво кемалари бор, озод руҳлар яшин тезлигида уча оладиган ўша ҳаво кемаларида рухий олам бўйлаб сайр қилиб юрадилар. Аслини олганда биз бу оламда кўриб юрган нарсаларнинг ҳаммаси рухий оламда ҳам мавжуд. Бу ерда, моддий оламда мавжуд бўлган нарсаларнинг ҳаммаси аслида рухий оламда мавжуд бўлган воқеликнинг хира акси, холос. Моддий олам худди биз кинода кўрадиган тасвирлар сингари, рухий оламда ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган ҳақиқий ҳаётнинг акс тасвири ҳисобланади. "Шримад Бхагаватам"да тушунтирилганки, худди магазин витринасида қўйилган манекен тирик қиз боланинг шакли ва қиёфасига қараб ясалгани сингари, моддий унсурларнинг ҳар хил бирикмаларидан иборат бўлган бу моддий олам ҳақиқий рухий оламнинг нусхаси сифатида яратилган. Ҳар бир соғлом фикрлайдиган киши биладики, манекен – шунчаки нусха. Шридхара Свами айтадики, рухий оламнинг нусхаси бўлган моддий олам фақат рухий олам ҳақиқатан мавжуд бўлгани учунгина бизга ҳақиқийдай бўлиб туюлади. Биз "ҳақиқат", "ҳақиқий" иборасига қанчалик маъно беришимизни аниқлаб олишимиз лозим. Ҳақиқий деганда яқсон қилиб бўлмайдиган нарса назарда тутилади: **фақат мангу нарса ҳақиқий бўлади.**

"Ҳақиқатни англаб етган зотлар шундай хулосага келганлар: мавжуд бўлмаган зот ўткинчи, мавжуд зот эса, - ўзгармас. Улар ҳар иккисининг табиатини чуқур ўрганиб шундай қарорга келганлар" (Б.г.2.16).

Ҳақиқий лаззат – Парвардигор, ўткинчи моддий лаззат эса, - сароб, алдамчи. Воқеъликни асл ҳолида кўра оладиган кишилар алдамчи лаззатларга интилмайдилар. **Инсон бўлиб яшашдан асосий мақсад – рухий оламга эришиш**, лекин, "Шримад Бхагаватам"да айтилганидек, одамларнинг аксарият кўпчилиги бунини билмайдилар. **Инсон ҳаётининг мазмуни** шундан иборатки, у **ҳақиқат нима эканини тушуниб олиши** ва ана шу ҳақиқий оламга **эришиши** лозим. Ведавий муқаддас китобларнинг ҳаммаси бизни ғофиллик зулматидан ёруғликка чиқишга чақиради. Моддий олам ўз табиатига кўра қоронғу зулмат ҳисобланади, рухий олам ёруғликдан иборат, лекин уни на олов, на электр нури ёритмайди. Парвардигор бу ҳақда "Бхагавад-гита"(15.6)да шундай дейди: **"Менинг даргоҳим на қуёш, на ой, на бошқа бирор ёруғлик**

манба билан ёритилмайди. Унга эришган киши ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб келмайди".

Рухий оламни "намоён бўлмаган" деб атайдилар, чунки уни моддий сезги органлари ёрдамида сезиб бўлмайди.

"Ана шу олий даргоҳни намоён бўлмаган ва ўзгармас мангу даргоҳ деб атайдилар, унга эришиш – энг олий мақсаддир. Тирик мавжудот шу даргоҳга эришгандан кейин қайтиб бу оламга келмайди. Ана шу Менинг олий даргоҳимдир"(Б.г. 8.21).

Мазкур шеърда узоқ давом этадиган саёҳат ҳақида гап боради. Биз коинотга чиқишимиз, бутун коинотнинг барча қобиклари орқали учиб ўтишимиз ва рухий оламга кириб боришимиз лозим. Мана шу *парамам гатим* - инсон амалга ошириши лозим бўлган энг қатта саёҳат. Бу ерда гап очик космосга чиқиш ва унда бир неча минг километр учиб яна ерга қайтиб тушиш тўғрисида бораётгани йўқ. Бундай саёҳатларга чиқиш учун ҳеч қандай жасоратнинг кераги йўқ. Биз бутун коинотни кечиб ўтишимиз лозим. Бунда бизга ҳеч қандай космик кемалар ёрдам беролмайди, бунга фақат илохий онг, Худони англаш усули ёрдамида эришиш мумкин. Ҳаётда илохий онг билан яшаб, хамиша **Худони эслаб юрган киши ажали етган захоти рухий оламга эришади.** Агар бизда рухий оламга эришиш, ўша жойда илм ва лаззатга тўла мангу яшаш учун озгина истак, интилиш бўлса, вақтни бой бермасдан ҳозирнинг ўзидаёқ *сач-чид-ананда* сифатига эга бўлган танамизни шакллантира бошлашимиз лозим. Кришнанинг танаси *сач-чид-ананда*, бизда ҳам худди шундай илм ва лаззатга тўла мангу рухий тана бор, лекин у жуда кичкина бўлиб, ҳозир моддий қобик билан ўралган. Агар биз қандайдир йўллар билан ана шу алдамчи моддий қобикдан халос бўла олсак, рухий оламга, Парвардигорнинг илохий салтанатига эришамиз. Унга эришгандан кейин эса, мусибатлар тўла бу моддий оламга қайтиб келмаймиз.

Шундай қилиб, ҳар бир инсон Парвардигорнинг олий даргоҳи(*охама парамам*)га эришишга жиддий интилиб яшаши лозим. Бизларни Ўз даргоҳига чақириш учун бу моддий оламга Парвардигорнинг шахсан Ўзи(Кришна) келади, бизларга Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлни кўрсатадиган муқаддас китоблар нозил қилади ҳамда Ўзининг ҳақиқий вакиллари юбориб туради. Биз эса, фақат, умримизни бекорга кетказмасдан, инсон танасига эга бўлган тирик мавжудотга бериладиган ана шу нодир имкониятлардан тўғри фойдалана олишимиз лозим, холос. Шу олий даргоҳга эришган кишининг риёзат чекиб юришига, йога билан шуғулланиб мууроқаба қилишига ҳожат қолмайди. Ана шу олий мақсадга эриша олмайдиган кишининг чекаётган барча риёзатларининг, тавба-тазаруларининг ҳеч қандай фойдаси йўқ, улар шунчаки вақтни бекорга сарфлаш бўлиб қолаверади. **Инсон бўлиб яшашдан олий мақсад – Худонинг даргоҳига эришишдир.** Тирик мавжудот фақат инсон танасида ана шундай нодир имкониятга эга бўлади, шунинг учун ҳукуматнинг, ота-оналарнинг, ўқитувчиларнинг ва рухий устозларнинг **асосий бурчи** – инсон танасида туғилган ҳар бир тирик мавжудотни ана шундай рухий баркамолликка эриша оладиган даражада тарбиялашдан иборат. Фақат еб-ичиш, ухлаш, бола-чақа қилиш ҳамда ит-мушукларга ўхшаб бир-бири билан жанжаллашиб юришдан бошқа нарсани билмайдиган кишини маданиятли инсон деб бўлмайди. Биз инсон танасидаги нодир ҳаётимиздан тўғри фойдаланишимиз, мана шу илохий илмдан фойдаланишимиз ва онгимизни ривожлантириб, уни хамиша Худони эслаб юрадиган, ажалимиз етганда рухий оламга эришиш имконини берадиган илохий онг даражасига етказишимиз лозим. **"Ҳамма нарсадан устун турадиган Парвардигорга фақат Унга соф садоқат билан холис**

хизмат қилиш орқали эришиш мумкин. Ҳамиша Ўзининг мангу даргоҳида бўлган ҳолда У аини пайтда ҳамма жойда мавжуд, ҳамма нарса Унинг ичиди”(Б.г.8.22).

Агар биз истасак ана шу олий даргоҳга эриша оламиз, мазкур шеърда кўрсатилганидек, бунинг учун ягона йўл – *бхакти*. *Бхакти*а ибораси Худога садоқат билан хизмат қилишни, Парвардигорнинг амрига бўйсуниб яшашни билдиради. *Бхакти*а ибораси “хизмат қилиш” деган маънони англатадиган - *бхадж* илдиридан ясалган. "Нарада-панчаратра"да *бхакти* иборасининг мазмуни “сохта қиёслашлардан озод бўлиш” яъни, “моддий танани “ўзим” деб ҳисобламаслик” деб тушунтирилган. Фақат ташқи атамаларнинг барчасидан халос бўлишга қатъий қарор қилган кишигина бхактига эриша олади. Одатда руҳий жонга қиёслайдиган ташқи атамаларнинг ҳаммаси аслида тана билан боғлиқ нарсалар бўлиб, улар тана алмашиши билан бирга ҳаммиша ўзгариб туради. ***Бхакти* – моддий танага умуман алоқаси бўлмаган ўзининг соф руҳий табиатини англаб етиш демакдир.** Аслини олганда бизлар тана эмасмиз, тана шунчаки руҳнинг қобиғи, биз - Парвардигорнинг хизматкорлари, *да*слармиз. Ўзининг асл моҳиятини англаб етган ва ягона Парвардигорга, Шри Кришнага хизмат қилиб юрган киши *бхакти* хисобланади. *Хришикена хришикеша-севанам:* сохта қиёслашлардан озод бўлиб, биз ўз сезгиларимиздан уларнинг ҳақиқий эгаси бўлган Хришикешага, Парвардигорга хизмат қилишда фойдалана бошлаймиз.

Рупа Госвами таъкидлаганидек, биз Парвардигорга ижобий кайфиятда хизмат қилишимиз лозим. Одатда биз қандайдир моддий мукофот олиш мақсадида Худога хизмат қиламиз. Албатта, бирор моддий бойлик тилаб Худога мурожаат қиладиган имонли киши умуман Худони тан олмайдиган имонсиз одамдан минг марта яхши, лекин охир-оқибатда биз Худога хизмат қилишдан моддий манфаат кўзлаш иллатидан бутунлай халос бўлишимиз лозим. Бизнинг мақсадимиз Худони англаб етиш бўлиши лозим. Албатта, Парвардигор чексиз ва Уни тўлиқ англаб етишнинг иложи йўқ, лекин биз Уни маълум даражада англаб етишимиз мумкин. "Бхагавад-гита" айнан шу мақсадда, яъни, биз Парвардигорни тушуна олишимиз учун нозил бўлган. "Бхагавад-гита"да нозил бўлган илоҳий илмни ўзлаштириб, **биз Худонинг истагини, Унинг хоҳишини, продасини тушуниб олишимиз ва Унга ижобий кайфиятда хизмат қилишимиз, яъни, У нимани хоҳлаётган бўлса шунга қилиб яшашимиз лозим.** Худони англаш таълимоти – инсон бхактига, Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига эриша олиши учун кўплаб муқаддас китобларда баён этилган **буюк илмдир.**

Пурушаҳ са параҳ: Парвардигор руҳий оламдаги Олий Шахс. Руҳий оламда ўзидан нур таратиб турадиган сон-саноксиз сайёралар бор, уларнинг ҳар бирида Парвардигорнинг шахсий экспансияси ҳукмронлик қилади. Ана шу экспансиялар тўрт қўлли кўринишда бўлиб, уларнинг сон-саноксиз номлари бор, уларнинг ҳар бири алоҳида шахс. Ана шу *пуруша*(шахс)ларга фақат *бхакти*, яъни, Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали яқинлашиш мумкин. Бунга на фалсафий изланишлар ёрдамида, на хаёлан тасаввур қилиш ёки на жисмоний машқлар ёрдамида эришиб бўлмайди. Бунга фақат ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламасдан, Худога соф садоқат билан ҳолис хизмат қилиш орқали эришиш мумкин.

Пуруша, Олий Шахс деганда қандай Зотни тушунамиз? *Йасйантаҳ-стхани бхутани йена сарвам идам татам* – барча тирик мавжудотлар ва бутун борлиқ Унда мужассам, лекин шунга қарамай, У ҳамма жойга сингиб кетган ҳолда ҳамма нарсдан ташқарида. Қандай қилиб бундай бўлиши

мумкин? Парвардигорни қуёшга қиёслаб тушунтириш мумкин: қуёш бир жойда туради, лекин ўз нурлари билан у ҳамма жойга сингиб кетган. Парвардигор ҳаммиша Ўзининг олий даргоҳи(*дхама парама*)да яшайди, лекин шунга қарамай, Унинг қуввати ҳамма жойга тарқалган. Худди қуёш ўз нурларидан фарқ қилмагани сингари, Парвардигор ҳам Ўзининг қувватлари билан бир. Парвардигор ва Унинг қувватлари бир-биридан фарқ қилмагани сингари, Худога садоқат билан хизмат қилишда маълум даражада юксалишга эришгандан кейин биз Парвардигорни ҳамма жойда кўриб юра оламиз. **“Мен кўзларига Худога муҳаббат малхами сурилган содиқлар ҳаммиша ўзларининг қалбида беқиёс гўзал жамолини кўриб юрадиган ягона Парвардигор Говиндага, азалий Худо Шахсига сажда қиламан”**(“Брахма-самхита” 5.38).

Парвардигор ҳаммиша қалби Худога муҳаббат туйғуси билан лиммо-лим тўлган кишиларнинг кўзлари олдида юради. Худонинг асл содиқ хизматкори ҳеч қачон: “Мен кеча тушимда Парвардигорни кўрдим, энди Уни кўрмайман” – демайди. Йўқ. Худони ҳақиқатан англаб етган киши Парвардигор ҳаммиша ўзининг ёнида эканини ҳис қилиб юради. Парвардигорни ҳаммиша кўриб юриш учун қалб кўзимиз очилиши лозим.

Моддий шартланганлик ҳолатида бизнинг руҳий моҳиятимиз моддий сезгилар пардаси билан қопланган, шунинг учун биз руҳий табиатга эга бўлган нарсаларни тушунолмаймиз. Лекин бу ғофиллик иллатидан Худонинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш ёрдамида халос бўлиш мумкин. Бу қандай рўй беради? Ухлаётган кишини бирор товуш ёрдамида уйғотиш мумкин. Гарчи инсон хушини йўқотган ҳолатда: кўрмайдиган, сезмайдиган, хид билмайдиган ҳолатда бўлса ҳам, эшитиш қобиляти шунчалик ривожланганки, уни шунчаки бирор товуш ёрдамида уйғотиш мумкин. Худди шундай, аслида руҳий табиатга эга бўлган жон(руҳ) модда билан аралашгани сабабли ҳозир уйқуда ётган бўлса ҳам, уни Худонинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна мантрасини такрорлаш жараёнида юзга келадиган илоҳий товуш тебранишлари ёрдамида “уйғотиш” мумкин. Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Ҳаре Кришна мантраси – Парвардигорга ва Унинг қувватига мурожаат қилишдир. *Ҳаре* – Парвардигорнинг қуввати, Кришна ва Рама - Парвардигорнинг энг буюк номлари. Шундай қилиб, Ҳаре Кришна мантрасини такрорлаш билан биз Парвардигорга шундай мурожаат қиламиз: “Эй Парвардигорнинг қуввати, эй Худойим, илтимос мени қабул қил!” Биз Худодан бошқа нарса сўрамаймиз. Парвардигор шундоқ ҳам бизни ҳамма нарса билан таъминлаб қўйган бўлса, Ундан ҳар куни ризк-рўз сўрашнинг қандай маъноси бор? Ҳаре Кришна – бизни Унга хизмат қилишга қабул қилишини тилаб Парвардигорга мурожаат қилишдир. Парвардигор Чайтаня Махапраб-хунинг Ўзи Худога шундай илтижо қилган:

*айи нанда-тануджжа кинкарам
патитам мам вишаме бхавамбудхау
крипайа тава пада-панкаджда-
стхита-дхули-садришам вичинтайа*

“Эй Махараж Нанданинги ўғли, мен – Сенинги мангу хизматкорингман, лекин қандайдир сабабларга кўра ҳозир мана шу туғилиш ва ўлишлар уммонига қулаб тушганман. Илтимос, мени бу уммондан қутқариб ол, мен Сенинги нилуфар қадамларинг пойида бир зарра бўлсам, бас!” (Шикшаштака, 5).

Уммон ўртасига тушиб қолган киши фақат кимдир келиб уни сувдан қутқариб олишидан умидвор бўлиши мумкин. Кимдир катта кемадан келиб уни сув юзидан бир неча метр юқори кўтариб олган захоти у анча енгил

тортади. Худди шундай, биз ҳам Худони англаш ҳамда илоҳий онг билан яшаш ёрдамида туғилиш ва ўлишлар уммонидан озодликка чиқа бошлаган заҳоти дарров қалбимизда ғайритабиий енгиллик ҳис қила бошлаймиз.

Гарчи Парвардигорнинг ҳамда Унинг номлари, шон-шуҳрати ва кароматларининг илоҳий табиатини тушуна олмасак ҳам, агар Худони англаш йўлида **мунтазам равишда жиддий ҳаракат қила бошласак**, аста-секин **Парвардигор бизга Ўзини тобора кўпроқ ошкор эта бошлайди**. Парвардигорнинг жамолини кўриш учун биргина бизнинг уринишимиз фойда бермайди, лекин агар биз ўзимизни Парвардигор билан учрашишга жиддий тайёрлаб борсак, Парвардигор албатта Ўзини бизга кўрсатади, шундагина биз Унинг жамолини кўра оламиз. Биз Парвардигордан олдимизга келиб рақсга тушишни талаб қила олмаймиз: **Худони кўриш учун биз шундай ҳаракат қилишимиз лозимки, Унинг Ўзи бизга Ўз жамолини кўрсатишни истаб қолсин**.

Парвардигор "Бҳагавад-гита"да Ўзи ҳақида гапириб беради, Унинг айтган гапларининг ҳаммаси киши қалбида бирор шубҳа ёки гумонга ўрин қолдирмайдиган ҳақиқатдир; биз фақат буни ҳис қилишимиз, тушунишимиз лозим. Шахсий сифатларидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ҳар қандай инсон "Бҳагавад-гита"ни тушуна олади, чунки "Бҳагавад-гита" Мутлақ поғонада нозил бўлган илоҳий асардир. Кришнанинг муқаддас номини такрорлаб юрган кишига аста-секин муқаддас номнинг табиати, Парвардигорнинг табиати, моддий ва руҳий оламларнинг сирлари, ҳозирги шартланган ҳолатимизнинг сабаби ҳамда ундан халос бўлиш йўллари очила бошлайди. Шу тарзда биз аста-секин ҳамма нарса ҳақида билиб оламиз. Аслини олганда "ишонч" ҳамда "кейинчалик англаб етиш" орасидаги бу боғлиқликни биз яхши биламиз. Одатда биз "ҳақиқат" экани кейин тасдиқланишидан умидвор бўлиб жуда кўп нарсаларга ишонамиз. Масалан, Ҳиндистонга билет сотиб олар эканмиз, бу билан бизни албатта Ҳиндистонга етказишларига ишонамиз. Акс ҳолда билет учун шунча пул сарфламаган бўлардик. Биз биринчи марта учраган кишига пулимизни ишониб топширавермаймиз-ку! Биз бу - ишончли авиакомпания, расмий йўналиш эканини биламиз, ана шу **илм бизга ишонч бағишлайди**. Агар ишонч бўлмаса кундалик турмушда бир кадам ҳам юриб бўлмайди. Ишонч жуда зарур, лекин фақат ишонса бўладиган нарсаларга ишониш лозим. Биз кўр-кўрона ишонмаймиз, биз ҳамма тан олган нарсаларга ишонамиз. Ҳиндистонда ҳамма - табақаси, уруғи ва ҳоказо сифатларидан қатъий назар – "Бҳагавад-гита"ни муқаддас китоб сифатида тан олади. Ҳатто Ҳиндистондан ташқарида ҳам кўплаб машҳур олимлар, теолог ва файласуфлар "Бҳагавад-гита"нинг юксак илоҳий мартабасини тан олиб, уни буюк илоҳий асар сифатида қабул қиладилар. "Бҳагавад-гита"нинг ишончли муқаддас китоб экани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Ҳатто Альберт Эйнштейн сингари буюк олим ҳам ҳамиша "Бҳагавад-гита"ни ўқиб ўрганиб юрган.

"Бҳагавад-гита"да руҳий олам, Парвардигорнинг салтанати мавжудлиги ҳақида айтилган, биз бу гапларни ишонч билан қабул қилишимиз лозим. Агар бизга туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексайиш сингари ташвишлардан асар ҳам бўлмаган даргоҳ борлигини айтсалар ва биз у жойга тушиб қолсак - хурсанд бўлмаймизми? Биз ана шундай жой борлиги ҳақида эшитган заҳоти унга эришиш учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилган бўлардик. Ҳеч ким кексайишни истамайди, ҳеч ким ўлишни истамайди. Агар ана шундай мусибатлар йўқ жой топилса, бу - биз азалдан орзу қилиб юрган энг ёқимли жой бўларди. Нимага биз ана шундай жойга

интиламиз? Чунки бизнинг бунга тўла ҳаққимиз бор. Биз аслида илмга ва лаззатга тўла мангу зотлармиз, лекин моддий тана ичига тушиб қолиб, ўзимизнинг асл табиатимизни эсдан чиқариб юборганмиз. Шундай қилиб, "Бҳагавад-гита" бизга ўзимизнинг бошланғич азалий ҳолатимизга қайтиш имконини беради.

Шанкарачарьянинг издошлари ва буддистлар айтадиларки, бу оламдан ташқарида бўшлиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ, лекин "Бҳагавад-гита"да кишининг ҳафсаласини пир қиладиган бундай бемаъни маълумотлар берилмаган. Бўшлиқ фалсафаси фақат худобехабар имонсиз одамлар сонини кўпайтиради, холос. Бизлар – руҳий табиатга эга зотлармиз, шу боис лаззатланишга интиламиз. Агар биз келажакда бўшлиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ деб ўйласак, мана шу моддий оламда илоҳи борича кўпроқ лаззатланиб қолишга интиламиз. Бу шунга олиб келадик, имперсоналистлар бир томондан бўшлиқ фалсафасини ҳар томонлама муҳокама қиладилар, иккинчи томондан эса, илоҳи борича бу дунёда лаззатланиб қолишга интиладилар. Бундай фалсафий изланишлар кимгадир лаззат келтириши мумкин, лекин бундан бирор руҳий манфаат чиқмайди. **"Ана шу илоҳий поғонага кўтарилган киши шу заҳотиёқ Олий Брахманни англаб етади. У ҳеч қачон қайғуга тушмайди, унинг ҳеч қандай истаги қолмайди; у барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Ана шундай ҳолатда инсон Парвардигорга соф садоқат билан холис хизмат қилиш даражасига эришади"**(Б.г.18.54).

Садоқат билан хизмат қилишда юксак поғонага кўтарилган ва Парвардигор Шри Кришнага хизмат қилишдан лаззат оладиган киши табиий равишда бу дунёнинг моддий лаззатлари билан умуман қизиқмай кўяди. Қалби *бхакти*, яъни, Худога муҳаббат билан тўла кишини унинг фақат Худога садоқат билан хизмат қилишдан лаззатланиб, бошқа ҳеч нарсага қизиқмасдан ўз ҳаётидан тўла мамнун бўлиб яшаётганидан билиб олиш мумкин.

5. Парвардигор билан учрашиш

Агар инсон ўзидаги эски нарса ўрнига ундан яхшироқ янги нарсага эришадиган бўлса, эски нарсасидан осонлик билан воз кеча олади. Биз лаззатланишга интиламиз, лекин одамлар орасида имперсонализм ва бўшлиқ фалсафаси кенг тарқалгани сабабли бизлар ҳозир моддий лаззатларга қаттиқ боғланиб қолганмиз. Бизнинг олаётган лаззатимизнинг манбаи Олий Шахс(*пурушаҳ са параҳ*), биз билан юзма-юз учрашишга қодир бўлган ягона Парвардигор бўлиши лозим. Руҳий оламда биз Парвардигор билан суҳбат қуришимиз, бирга ўйнашимиз, бирга овқатланишимиз мумкин ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасига Худога садоқат билан илоҳий хизмат қилиш(*бхакти*) ёрдамида эришиш мумкин. Лекин, бизнинг хизматимиз ҳар қандай моддий иллатлардан пок бўлиши лозим, яъни, биз Парвардигорни, эвазига ҳеч қандай муқофот кутмасдан севишимиз лозим. Парвардигорни Унинг борлигига қўшилиб кетиш ниятида севиш ҳам ўзига хос иллат ҳисобланади.

Руҳий оламни моддий оламдан ажратиб турадиган асосий фарқлардан бири шуки, руҳий сайёраларда ҳукмдорларнинг рақиблари бўлмайди. Руҳий сайёраларнинг барчасида Парвардигор Шри Кришнанинг тўла намоён бўлган экспансиялари ҳукмдорлик қиладилар. Парвардигор ва Унинг намоён бўлган турли экспансиялари барча Ваикунтха сайёраларини бошқариб турадилар. Ер юзидаги давлатларда президент ёки премьер-министр лавозимини эгаллаш учун номзодлар орасида ҳамиша

ўзаро қаттиқ кураш бўлиб ўтади, лекин руҳий оламда ҳамма бир овоздан Парвардигорнинг, Шри Кришнанинг ҳукмронлигини тан оладилар. Парвардигорни тан олмайдиган ва У билан рақобатлашишга уринадиган зот шу заҳотиёқ ўзига хос қамокхона вазифасини ўтайдиган моддий оламга жўнатилади. Ҳар қандай шаҳарда қамокхона бор, қамокхона эгаллаб турган жой бутун шаҳар майдонининг арзимаган бир қисмини эгаллайди. Худди шундай, моддий олам ҳам шартланган руҳлар учун ўзига хос қамокхона ҳисобланади ва руҳий оламнинг арзимас бир қисмини эгаллаб туради. Худди қамокхона шаҳар ичида бўлгани сингари, моддий олам ҳам руҳий олам ичида жойлашган.

Руҳий оламда жойлашган Ваикунтҳада яшайдиган аҳолининг ҳаммаси озод руҳлардир. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, уларнинг танаси худди Парвардигорнинг танасига ўхшайди. Баъзи сайёраларда Парвардигор ўзини тўрт қўлли қиёфада, баъзи сайёраларда эса, икки қўлли қиёфада намоён этади. Ана шу сайёраларда яшайдиган аҳоли ҳам тўрт қўлли ё икки қўлли қиёфага эга бўлиб, бир қарашда уларни Парвардигорнинг ўзидан ажратиш қийин. Руҳий оламда тирик мавжудот озодликнинг беш турига эришиши мумкин. Тирик мавжудот Парвардигорнинг руҳий борлиғига, Брахманга қўшилиб кетганида эришадиган озодлиги *сайуджйа-мукти* деб аталади. Озодликнинг иккинчи тури – *сарунйа-мукти*, унга эришган тирик мавжудот Парвардигорнинг танасига ўхшаган танага эга бўлади. Озодликнинг учинчи тури – *салокйа-мукти*, бунда тирик мавжудот Парвардигор билан бир сайёрада яшаш имкониятига эга бўлади. Озодликнинг *сарити-мукти* деб аталадиган турига эришган тирик мавжудот Парвардигорники билан тенг бойликларга эга бўлади. Озодликнинг яна бир тури тирик мавжудотга Парвардигорнинг яқин дўсти сифатида ҳаммиша У билан бирга юрадиган Аржун сингари Худонинг яқин ҳамроҳларидан бири бўлиб, ҳаммиша Унинг ёнида бўлиш имконини беради. Озодликнинг мана шу беш туридан истаган бирига эришиш мумкин, лекин *вайшнава*-содиклар озодликнинг *сайуджйа-мукти*, яъни, Парвардигорнинг руҳий борлиғига қўшилиб кетадиган турини рад этадилар. Вайшнава Парвардигорга Унинг асл қиёфасида сажда қилишга, Унга хизмат қилиш имкониятига эга бўлиш учун ўзининг алоҳида шахс ҳолатини саклаб қолишга интилади. *Майавада* мактабига мансуб файласуф-имперсоналистлар эса, ўзларининг алоҳида шахс сифатларини йўқотиб, Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетишни истайдилар. Лекин, на Парвардигор Шри Кришнанинг ўзи "Бхагавад-гита"да, на шогирдлар силсиласида турган вайшнава-файласуфлар бизга Парвардигорнинг шахсиятсиз кўриниши билан қўшилиб кетишни маслаҳат бермайдилар. Парвардигор Чайтанья Махапрабху бу ҳақда ўзининг "Шикшаштака"(4) асарида шундай дейди:

На дханам...

"Эй қудратли Парвардигор! Мен бойлик орттиришни ҳам истамайман, Менга чиройли аёллар ва кўплаб издошлар ҳам керак эмас. Мен фақат бир нарсани: умрлар оша Сенга бесабаб ҳолис хизмат қилишни истайман". Мазкур шеърда Чайтанья Махапрабху "умрлар оша" деб айтган. Такрор ва такрор туғилиш дегани тирик мавжудот ҳали руҳий озодликка эришмаганини билдиради. Озодликка эришганда у ё руҳий сайёраларга эришади, ё Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетади, ҳар икки ҳолатда ҳам у моддий оламда туғилмайди. Лекин, Чайтанья Махапрабхуга барибир – озодликка эришадими – йўқми? У Худодан фақат бир нарсани тилайди: Худого садоқат билан хизмат қилиш, Уни мамнун қилиш учун бирор иш қилиш, ҳаммиша ана шундай илоҳий онг билан яшаш. Содик хизматкорга

қаерда бўлишнинг аҳамияти йўқ, ким бўлиб туғилиши ҳам уни қизиқтирмайди: инсонми, ҳайвонми ё фариштами, ё бошқа бирор танадами, унинг Парвардигордан тилайдиган ягона тилаги – у ҳаммиша Худони эслаб юрадиган ҳамда Унга илоҳий хизмат қила оладиган шароитда бўлса, бас. Мана шу соф садоқат белгисидир. Шубҳа йўқки, содик хизматкор қаерда бўлмасин, ҳатто моддий тана ичида ҳам ҳаммиша руҳий салтанатда юрган бўлади. Лекин у Парвардигордан ўзи учун, ўзига қулайлик яратиш ёки ўзи юқори мартабага эга бўлиши учун ҳеч нарса тиламайди.

Парвардигор таъкидлаб айтадики, Унга ўзини топширган киши Унга осонлик билан эриша олади, лекин йоганинг бошқа турлари билан шуғулланиб юрган йогларнинг бу йўлда албатта муваффақият қозонишига ҳеч ким қафолат бера олмайди. Парвардигор уларга "Бхагавад-гита"(8.23)да ўз танасини қандай пайтда ташлаб кетиш шарофатли эканини айтади: **"Эй Бхаратлар аълоси, энди Мен сенга инсон бу дунёга қайтиб келиш ёки келмаслик учун йоглар танасини қандай пайтда тарк этиши кераклигини тушунтириб бераман".**

Бу ерда Парвардигор айтадики, агар инсон танасини шарофатли пайтда тарк эта олса, у озодликка эришади ва моддий оламга қайтиб келмайди, агар танасини бошқа вақтда тарк этса, яна бу дунёга қайтишга мажбур бўлади. Бу ерда кўп нарса тасодифга боғлиқ, лекин ҳаммиша илоҳий онг билан яшаб юрган Худонинг содик хизматкори танасини тарк этганда ҳеч қандай тасодиф ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, чунки қалбидаги Худого бўлган муҳаббат ва садоқати унинг албатта Парвардигорнинг илоҳий салтанатига киришига қафолат беради.

Агнир...

"Олий Брахманни англаб етган кишилар бу оламдан қуёш экватордан шимолда бўлган олти ой ичида, Ой тўлишиб бораётган кунларда, кундуз кунлари, олов фаришгаси ҳукмрон бўлиб турган шарофатли пайтда тарк этадилар"(8.24).

Йилнинг олти ойи давомида қуёш самовий экватордан шимолда, олти ой давомида эса, ундан жанубда ҳаракат қилади. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, қуёш ҳам сайёралар сингари ҳаракатланиб туради. Агар инсон ўзининг ҳозирги танасини қуёш осмоннинг шимолий ярим шари чегарасида юрган даврда тарк этса, у руҳий озодликка эришади.

Дхумо...

"Агар йог бу дунёни қуёш жанубда юрган олти ой ичида, ой камайиб бораётган кунларда, туманда, тунда тарк этса, у Ойга эришади, лекин яна Ерга қайтиб келади. Ведаларда айтилиши бўйича, бировлар бу дунёни ёруғ пайтда, бошқалар эса, қоронғуда тарк этадилар. Агар инсон танасини ёруғ пайтда тарк этса, у бу дунёга бошқа қайтиб келмайди, лекин бу дунёдан қоронғуда кетган киши яна қайтиб келади"(Б.г.8.25-26).

Буларнинг ҳаммаси тасодифан рўй берадиган нарсалардир. **Ҳеч ким ажали қачон келишини олдиндан билмайди.** Биз истаган пайтда қандайдир бахтсиз ходиса оқибатида ҳалок бўлишимиз мумкин. Лекин бхакти-йогода бундай бўлмайди - ҳаммиша илоҳий онг билан яшаб, Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган содикнинг тақдири ҳеч қандай тасодифга боғлиқ эмас. Унинг ҳозирги танасини муваффақият билан тарк этиб, кейинги ҳаётида руҳий оламга эришиши қафолатланган.

Науте...

"Худонинг содиклари ана шу икки йўлни билдилар, эй Аржун, лекин бу уларни қизиқтирмайди. Шу боис сен ҳаммиша Худого садоқат билан хизмат қилишда қатъиятли бўл"(8.27).

Аввал айтганимиздек, агар инсон ажали етган пайтда Худони, Парвардигор Шри Кришнани эсласа, у шу заҳотиёқ Худонинг даргоҳига эришади.

Анта-кале...

“Ажали етган пайтда танасини тарк этаётиб, фақат Мени элаган киши шу заҳотиёқ Менинг табиатимга эришади. Бунга шубҳа йўқ. Ҳамиша Парвардигор ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга берилиб юрган, ҳеч нарсага чалғимасдан ҳамиша Мени эслаб юрган киши албатта Менга эришади, о Партха”(8.5,8.8).

Ҳамиша шу тарзда Парвардигор Шри Кришнага мувоқабат қилиб юриш жуда қийиндай туюлиши мумкин. Лекин аслида ундай эмас. Ҳамиша Ҳаре Кришна мантрани зикр қилиб, илоҳий онг билан яшаб, Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган киши учун бу қийин эмас. Парвардигор ва Унинг номи бир-биридан фарқ қилмайди, Худонинг илоҳий даргоҳи ҳам Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди. Илоҳий товуш тебранишлари орқали биз Парвардигор билан алоқа ўрната оламиз. Масалан, кўчада бораётганда Худонинг муқаддас номларини, яъни, Ҳаре Кришна мантрани зикр қилиб юрсак, Парвардигор ҳамиша биз билан бирга юрганини ҳис қиламиз. Биз тепамиздаги Ойга қарасак, у ҳам худди биз билан бирга кетаётгандай бўлиб туюлади. Агар бизга ҳатто Парвардигорнинг қуйи қуввати бўлган Ой биз билан бирга кетаётгандай бўлиб туюлса, биз Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрсак, наҳотки Парвардигорнинг Ўзи биз билан бирга юролмайди? У ҳамиша биз билан бирга бўлади, лекин ҳамиша У билан бирга бўлиш учун биз бунга муносиб бўлишимиз, яъни, маълум сифатларга эга бўлишимиз лозим. Лекин, агар ҳамиша Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрсак, У ҳамиша биз билан бирга эканига шубҳа қилмасак ҳам бўлади. Парвардигор Чайтанья Махапрабху шундай деган эди:

Намнам акари...

“Эй Парвардигор, фақат Сенинг муқаддас номинг тирик мавжудотларга ҳақиқий бахт келтиришга қодир, шу боис Сенинг Кришна, Говинда сингари юзлаб, миллионлаб номларинг бор. Ана шу илоҳий номларга Сен Ўзингнинг бутун илоҳий қудратингни мужассам қилгансан. Ҳатто уларни такрорлаш учун оғир шартлар ҳам қўйилмаган. Эй Парвардигор, чексиз меҳрибонлигинг туфайли Сен бизларга шу муқаддас номларни зикр қилиш орқали Сенга осон яқинлашиш имкониятини бериб қўйибсан, лекин Мен шунчалик омадсизманки, улар Мени қизиқтирмайди” (Шикшаштака,2).

Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ҳам худди Парвардигор билан юзма-юз учрашиш билан бир хил саодат келтиради. Шунчаки руҳий ўзлигини англаб етган зот бўлиб қолмасдан, ишончли табаррук зотлар Парвардигор Шри Кришнанинг тимсоли деб биладиган Чайтанья Махапрабху таъкидлардики, гарчи ҳозирги даврда одамлар руҳий ўзлигини англаб етишлари учун қулай шароит мавжуд бўлмаса ҳам, Парвардигор шунчалик меҳрибонки, *йуга-дхарма*, яъни, ҳозирги давр учун руҳий ўзликни англаш усули сифатида бизларга *шабда* (Парвардигорнинг товуш тимсоли)ни бериб қўйган. Бу усулга риоя қилиш учун ҳеч қандай махсус тайёргарликнинг ҳам кераги йўқ, ҳатто *санскрит* тилини билишнинг ҳам ҳожати йўқ. Ҳаре Кришна мантрани такрорлаганда юзага келадиган илоҳий товуш тебранишлари шундай қудратли илоҳий кучга эгаки, ҳар қандай киши, ҳатто санскрит тилини билмаса ҳам, бу мантрани такрорлай бошлаши мумкин.

Ведешу...

“Худого садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган киши Ведаларни, муқаддас китобларни ўрганиш,

риёзат чекиш ва қурбонлик маросимлари ўтказиш, эзгу-савоб ишлар қилиш, фалсафий изланишлар ва кармали фаолият кўрсатиш орқали эришиш мумкин бўлган манфаатлардан маҳрум бўлмайди. У бундай фаолиятлар орқали эришиш мумкин бўлган ҳамма нарсага ўзидан-ўзи эришади ва охир-оқибатда Парвардигорнинг мангу олий даргоҳига эришади”(Б.г.8.28).

Бу ерда Парвардигор айтяптики, Ведавий муқаддас китобларда берилган кўрсатмаларнинг ҳаммаси ягона бир мақсадга қаратилган: инсонга **ҳаётда энг олий мақсадга эришишда**, яъни **Худонинг даргоҳига қайтишда** ёрдам бериш. Жаҳондаги муқаддас китобларнинг ҳаммаси мана шу ягона мақсад учун яратилган. Мана шу мақсад барча диний реформаторларнинг ва ачарйаларнинг асосий вазифаси, миссияси бўлган. Масалан, ғарбий давлатларда бу вазифани Исо Масих амалга оширган. Муҳаммад пайғамбар(с.а.в) ва Будда ҳам шу йўлда хизмат қилганлар. Улардан бирортаси одамларни бу дунёни ўзларининг мангу қароргоҳи қилиб олишга чақирмаган. Илоҳиёт кишиларининг таълимотлари замон, макон ва шароитга мос равишда ҳамда муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида бир-биридан озгина фарқ қилиши мумкин, лекин уларнинг асосий мазмуни ўзгармай қолаверади: биз аслида моддий оламда эмас, руҳий оламда, Парвардигорнинг даргоҳида яшашимиз лозим. Ҳақиқий илоҳиётчи тақводор инсонларнинг барчасининг бу борадаги фикри бир хил. Уларнинг ҳаммаси тасдиқлайдиларки, бизлар фақат туғилиш ва ўлишлар ҳукм сурадиган бу дунёдан ташқарида, у дунёдаги Парвардигорнинг илоҳий даргоҳига эришсаккина қалбимиз тўридаги энг яширин орзу-истаклари барчаси биратўла рўёбга чиқади.

Сешанба, 2010 йил 20-июлмизнинг